

Поклик
соғлиқни,
ақл сабрни
сақлар.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 8-sentabr, chorshanba № 71 (8304) ISSN 2010-6416

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Қарори**

**РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2010 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 10 сентябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 10 сентябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 7 сентябрь



Андижон шаҳрида Президентимизнинг 2010 йил 12 августда қабул қилинган қарори асосида Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаси негизда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилди.

Мактаб-интернатнинг очилиши катта шодиёнага айланди. Тадбирда юртимизда Юртбошимиз раҳнамолигида оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб


вояга етказиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатга Президент совғаси — Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган янги автобус топширилди.

Суратларда: Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолиятдан лавҳалар.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

МЕҲРДАН УЛҒАЯЁТГАН БОЛАЛАР



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи ҳам истиқлол берган имкониятлар натижасида номига монанд равишда чинакам меҳр ва мурувват гўшасига айланди. Тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитларга гувоҳ бўлган ҳар қандай инсон мамлакатимизда болалар ижтимоий ҳимоясига қай даражада юқори даражада эътибор қаратилаётганлигига амин бўлади. Ҳозир ушбу масканда 105 нафар бола тарбияланмоқда.

Ёзги таътилда оромгоҳларда (43 нафар тарбияланувчи "Oniks" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли "Нурафшон", 40 нафари эса республика Халқ таълими вазирлигига қарашли Меҳрибонлик уйлари болалар оромгоҳида) мароқли ҳордиқ чиқарган болажонлар янги ўқув йилидан яна ўқишу ўрганиш, янги марралар сари интилиш, истеъдодларини бойитиш ҳаракатларини бошлаб юборишди.

(Давоми 16-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА

Ustoz — elda aziz

**ЮПДУЗЛАР ОСМОНДА
ПОРЛАЙДИ...**

1-Октябр — О'қитувчилар ва murabbiylar
kuni umumxalq bayrami

5-бет



Mustaqillikning 19 yilligiga

8-9-бетлар

**ҚУЁШ —
АМАЗОНКА
СОҒИНЧИ**

12-бет

2010-yil — Barkamol avlod yili

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг билим олиши, иқтидорини намойиш этиши учун барча шароитларни яратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар Баркамол авлод йилида янада кенг қўлам касб этаётир. Наманган вилоятида ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Наманган шаҳрида 1-Болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига асосан мазкур мактабда катта ҳажмда реконструкция ишлари бажарилди. Норин ХММК-4 масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан мактаб замонавий қиёфа касб этиб, шаҳардаги энг кўркем бинолар қаторидан жой

олди. Ўқув маскани миллий ва замонавий чолғу асбоблари, ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабининг фойдаланишга топширилишига бағишланган тадбирда Юртбошимиз раҳнамолигида мусиқа ва санъатни ривожлантиришга, хусусан, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор, баркамол авлодни тарбиялашда мусиқанинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳоқими Б.Юсупов сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур йўналишда Сирдарё вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Гулистон шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган меҳнат ярмаркаси айна шу мақсадда ташкил этилди. Унда Гулистон ва Ширин шаҳарлари, Оқолтин, Боёвут, Мирзаобод, Сардоба, Ховос туманларидаги 27 корхона ва ташкилот беш юзга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада ёшлар, иш жойини ўзгартириш истагида юрган фуқаролар иштирок этди.

— Меҳнат ярмаркасида кўзланган

асосий мақсад 2009-2010 ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган ёшларни тўлиқ ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоялашдир, — дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Абдурашид Абдуллаев. — Бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилади.

Тадбирда 400 дан зиёд ёшларга ишлаш учун йўлланма берилди, ўнлаб йигит-қиз устоз-шогирд йўналишида касб-хунар ўқувида жалб этилди. Эллик нафарга яқин фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎЗА мухбири

СОБИҚ АСКАРЛАР — ТАЛАБАЛАР САФИДА

Мамлакатимизда ёшларни, жумладан, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёзларга эга собиқ аскарлар берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топаётир.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидан маълум қилишларича, бу йил икки юз нафарга яқин йигит Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ берилган имтиёз асосида мазкур олий таълим муассасаси талабалари сафига қўшилди.

Сурхондарёлик Элнур Норпўлатов — уларнинг бири.

— Мазкур университетнинг жисмоний маданият ва чақириқча ҳарбий таълим факультетида ўқишни бошладим, — дейди Э.Норпўлатов. — Энди бу ерда ўз билим ва малакамани янада бойитишга, биз, ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликни оқлаш ҳамда танлаган соҳамнинг етуқ мутахассиси бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Айни пайтда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган етти юз нафардан ортиқ йигит таълим олмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖЛАР

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Улус қишлоғида 615 ўринли иқтисодиёт ва сервис ҳамда Кўшработ туманининг Урганчи қишлоғида 435 ўринли маиший хизмат коллежлари фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилган замонавий академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқувчи-ёшлар пухта билим олиш баробарида ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича касб сирларини ўрганмоқда.

— Коллежимизда ёқилги қуйиш шохобчаларига хизмат кўрсатиш техниги, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ва сошлаш бўйича техник, маиший хизмат машиналарини таъмирловчи каби олти

йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади, — дейди Кўшработ маиший хизмат касб-хунар коллежи директори вазифасини бажарувчи Қайтар Унабоев. — Зарур ўқув ва техник воситалар билан таъминланган синфхоналар, лаборатория ва амалиёт хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва майдончалари ўқувчилар ихтиёрига берилган.

Янги коллежга жорий ўқув йилида 150 нафар йигит-қиз қабул қилинди. Шунингдек, 270 нафар ёшлар Нуробод иқтисодиёт ва сервис коллежининг илк ўқувчилари бўлди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

ЭКОҲАРАКАТ:

КЕЧАГИ ИШ — БУГУНИМИЗ ЗАМИНИ

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташкил топганига ҳам икки йил тўлди. Мана шу қисқа вақт ичида ушбу ҳаракат юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топди. Бунинг учун Экоҳаракат фаоллари ва унинг жойлардаги бўлинмалари дастурий устувор мақсад ва вазифаларни оғишмай амалга ошириш учун аниқ режа асосида иш олиб бордилар. Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги пленумида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Пленумда Экоҳаракатнинг 2009 йилнинг декабридан 2010 йилнинг августига қадар бўлган даврдаги фаолияти яқунлари муҳокама этилиб, Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси

Б.Алихоновнинг маърузаси тингланди. Маърузада таъкидланишича, ҳисобот даврида жамоат бирлашмаси ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида дадил қадамлар ташлади. Жаҳон парламентаризми тарихида илк бор Ўзбекистон мисолида Экоҳаракат учун Қонунчилик палатасида 15 депутатлик ўрни квоталаниб, ўтган йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтган Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида депутатлар ошкоралик ва демократик тамойилларга амал қилинган ҳолда муқобиллик асосида танлаб олинди.

Ҳисобот даврида атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъ-

минлашга қаратилган 70га яқин тадбир ўтказилиб, уларда 27 минг нафардан зиёд фуқаролар қатнашди. Айниқса, Экоҳаракат фаолларининг мамлакатимизнинг энг жанубий вилояти — Сурхондарёнинг қатор туманларида "Тожикистон алюминий компанияси" давлат унитар корхонасининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарарли фаолиятига қарши ўтказган оммавий тадбирлари Ўзбекистон экологик ҳаракатининг том маънодаги оммавий ҳаракатга айланишига хизмат қилди.

— Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш масалалари доимий диққат-эътиборда турибди, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Марказий кен-

гаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов. — Хусусан, ўтган даврда жойларда ушбу мавзуларда 50дан ортиқ учрашув, давра суҳбатлари ўтказилди. Айниқса, «Ёшларнинг экологик маданиятини ошириш муаммолари», «Ер — ризқ-рўзимиз — манбаи, уни эъзозлаш барчанинг иши», «Баркамол авлодни камол топтириш ва соғлом муҳит», «Экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш», «Экоҳаракатнинг «Ёшлар қаноти» олдида турган вазифалар», «Мактабда экологик таълимнинг ўрни» каби мавзуларда Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд, Наманган, Андижон, Сирдарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Экоҳаракат фаоллари ташаббуси билан пойтахтимиз марказида «Ўзбекистон экологик ҳаракати боғи»га асос солинди. «Чимён садоси-2010» фестивали доирасида «Очиқ осмон остидаги Экомактаб» ташкил этилди. Болалар учун «Булоқча» — «Родничок» журнали нашр этила бошланди.

Атроф-муҳит муҳофазаси ҳам давлат, ҳам жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш доимий эътиборда бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим. Экоҳаракат қошида «Ишонч телефони» ташкил этилганлиги эса бу борадаги фаолиятни жонлантиришга хизмат қилаётир.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Мақтадан... республикага

Янги ўқув йили олдида ўтказиладиган аънанавий Август кенгашларида 11-умумтаълим мактабининг «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитувчиси Назокат Дўстмуродовага тренер сифатида шўба йиғилиши ташкил этиши зарурлиги ҳақида хабар қилишди. Бунда муаллимнинг «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитиш бўйича тўплаган тажрибаси инobatга олинди. Зеро, 1996 йилдан бошлаб умумий ўрта таълим тизимига жорий қилинган ушбу ўқув предметини ўқитишда методик адабиётларнинг бошқа фанларга нисбатан камлиги илғор тажрибага суянишни талаб этарди. Н.Дўстмуродова 1997—2005 йиллар оралигида Сергели туманидаги иқтисод фанига йўналтирилган 284-мактабда дарс берар экан, ана шу фанини ўқитиш юзасидан бўлиб ўтадиган бирорта тадбирдан четда қолмасди. Мактабда иқтисод фанини ўқитиш 5-синфдан бошланиб, таълим жараёни юқори синфга қадар оддийликдан мураккаблик тамойилига амал қилинган ҳолда олиб бориларди. Муаллима ўқув дастурларидан ташқари, газета-журналлардаги иқтисодий мавзуга оид мақолаларни ҳам ўқир, таҳлил қилар, ўқувчиларга нотаниш бўлган янги атамаларни ёзиб, улар дунёқарашини кенгайтирарди. 2008-2009 ўқув йилида Назокат дарс берган синф ўқувчиларининг билим самарадорлиги юқори бўлди. Мактаб миқёсида иш тажрибаси тан олинган муаллимани кейинчалик туман доирасидаги тадбирларга ҳам кўпроқ таклиф қила бошлашди.

... Тумандаги барча умумтаълим даргоҳлари ўқитувчилари тўпланадиган 159-мактабга Назокат барвақт етиб келди. Тингловчилар — 30 нафар ҳамкасби. «Тадбиркорлик», «Импорт ва экспорт», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Талаб ва таклиф» каби мавзуларнинг электрон шакли компьютер хотирасига жойлаштирилган. Тренернинг бу мавзуларни содда ва раван тушунтириши аудиторияни жонлантириб юборди. Саволлар ҳам дўлдек ёғилди, аммо Назокат сира довдираб қолгани йўқ.

Дарвоқе, Назокат Дўстмуродова — «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитиш бўйича иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилган 10 нафар ўқитувчидан биридир. 2008 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, иккинчи ўринга сазовор бўлган муаллимнинг иш тажрибаси Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти қошидаги масофадан ўқитиш марказида

ҳам ташкил этилди. «Иқтисодий билим асослари» фанидан дарс берадиган ўқитувчилар малакасини оширишга мўлжалланган бу ўқув курси 4та бўлимга бириктирилган бўлиб, ҳар бирида 3—4тадан мавзу бор. Шундай қилиб, 144 соатлик ўқув курсининг электрон шаклидан юзлаб ўқитувчилар бахраманд бўлди. Салкам бир йиллик муддат орасида Н.Дўстмуродова ушбу курс муаллифи Баҳодир Ҳайдаров билан ҳамкорликда иш олиб борди.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар — дастурлама

Таълим ходимлари орасида шундай гап тез-тез қулоққа чалинади: «Бу ўқитувчининг иш тажрибаси туман ёки вилоят миқё-



ИЛҒОР ТАЖРИБА

ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш жараёни қандай ташкил этилади?

сида оммалаштирилган». Аслида, иш тажрибасини оммалаштиришнинг қандай талаб ва мезонлари бор? Қандай ўқитувчининг иши кенг ёйилиши мумкин? Табиийки, ўз фанининг асосларини мукамал эгаллаган, уни ўқитиш бўйича ўзига хос янгилик яратган педагогнинг иш тажрибасига қуйи босқичлардан ўтиб, мамлакат миқёсида тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан илғор иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу йўналишда ишлаб чиқилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар янада тақомиллаштириляпти. Вазирликнинг 2009 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг янги таҳрирдаги меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ижросини таъминлашга барча ҳудудий халқ таълими бошқарма ва бўлимлари масъулдир. Ана шу буйруққа илова тариқасида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат тўғрисида Низом» ҳамда «Педагогларнинг таълим-тарбия соҳасидаги энг яхши тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича йўриқнома» билан танишиб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш юзасидан ҳар бир вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Методика кабинети ижодкор ўқитувчининг излайди

Урганч туман халқ таълими бўлими методика кабинети методистлари ушбу ҳудуддаги таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ўқитувчиларни бир мақсад йўлида жипслаштириш, илғор ўқитиш усулларини яратган педагогларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлашга биринчи галдаги вазифа, деб қарашмоқда. Кенг ёйишга арзийдиган иш тажрибаси мактаб ёки туман доирасида қолиб кетмаслиги керак, у вилоят миқёсига, вилоятдан республикага олиб чиқилса, нафақат ўқитувчининг, балки бутун таълим соҳасининг ютуғи сифатида эътироф этилади.

Методика кабинети мудири Бахтиёр Жуманазаров:

— Ўқитувчи — ижодкор, у умр бўйи изланади, кашф этгани — ўқувчиларга. Ҳар бир дарсимда бир янгилик яратсам, ўқувчиларимни ҳайратда қолдирсам, деган педагогларимиз кўп. Туман умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган 1872 нафар ўқитувчининг 133 нафари олий, 699 нафари биринчи тоифали педагог бўлиб, уларни бир-биридан иш ўрганишга ундаш, янги педагогик технологияларнинг ўзига хос шаклларини яратган ўқитувчиларни излаб топиш методистдан тегаран билим, изланиш талаб қилади. Туман умумтаълим мактабларининг новатор ўқитувчиларини кашф этишда, аввало, таълим даргоҳи методбирлашмаси фаолияти таъсирчан аҳами-

ятга эга. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат тўғрисида»ги Низом бандларида ҳам иш тажрибасини оммалаштиришга даставвал мактаб пойдевор яратиши қайд қилинган. Сўнгра ўз очик даъсларини намойиш этган, оммавий ахборот воситаларида методик чиқишларини эълон қилган, ёш мутахассисларга бириктириб қўйилган, ўқувчилари фан олимпиадаларининг туман (шаҳар), вилоят ёки республика босқичида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови босқичларида қатнашган бу ўқитувчи ҳақидаги маълумотлар базаси яратилиб, вилоят методика марказига тақдим этилади. Ҳозирда туман халқ таълими бўлимидаги «Ижодкор ўқитувчилар» банкида 82 нафар ана шундай ўқитувчи ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган. Бу ўқитувчиларнинг 214та электрон дарс ишланмаси ҳам ана шу базага киритилган. Ўтган ўқув йилида 12 нафар ўқитувчининг, 4 нафар тарбиячининг иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилди. Жорий ўқув йилида уларнинг дарс ишланмаси, кўргазмали қуроллари, тавсифномаси, буклет ва ўйинлари жамланган ҳужжатларини вилоят методика марказига тақдим этмоқчимиз.

Илғор тажриба — муваффақият капити

Республика миқёсида оммалаштиришга лойиқ, деб топилган илғор иш тажриба-

Ҳаракат

лари республика Таълим марказида мувофиқлаштирилади. Марказда умумтаълим фанларини ўқитишнинг барча жиҳатлари билан шуғулланадиган бўлимлар бўлиб, улар қошида илмий-методик кенгашлар фаолияти йўлга қўйилган. Таълим марказининг узлуксиз методик хизмат ва педагог ходимлар малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Илғизар Маннопова буни қуйидагича изоҳлайди:


— Вилоят методика маркази томонидан бизга тақдим этилган ишлар республика аҳамиятига молик бўлиши керак. Муаллиф 18-20 кишилик илмий-методик кенгаш аъзолари олдида ўз тақдиротини ўтказади. Тақдиротда ўқитувчининг илғор иш тажрибаси ҳақидаги маълумотлари ҳимоя қилиниши зарур. Унда ўқитувчининг бир соатлик дарс ишланмаси, яратган слайдлари, кўргазмали қуроллари, ўзига хос методикаси, унга берилган тавсифнома кенгаш аъзолари томонидан муҳокама қилинади. Ҳар йили ўнлаб педагогларнинг иш тажрибаси мамлакатимиз миқёсида оммалаштиришга лойиқ, деб топилади. Улар орасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган педагоглар кўпчилигини ташкил этади. Бу борада Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси методика маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Улар республика Таълим марказига ҳужжати тайёрланаётган ўқитувчини, аввало, ўз экспертлари «чиғирғи»дан ўтказиб олишади. Ҳар томонлама синаб кўрилган ўқитувчи сўнги босқичдан ҳам муваффақиятли ўтади.

Илғор иш тажрибаси аниқланган ўқитувчи билан қандай иш олиб бориларди?

— Улар ҳақидаги барча маълумотлар «ZiyoNet» тармоғининг таълим порталига қўйилади. Бундан ташқари, улар умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини, ўқув дастурларини тақомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш жараёнига жалб қилинади. Илмий-методик кенгаш аъзоларига сайланган, турли кўрик-танловларнинг ҳакамлар ҳайъати таркибига киритилган ўқитувчиларнинг аксарияти ҳам новатор педагоглардир.

...Ўзгалар ўрганишига, амалиётда қўллаб, юқори натижаларга эришиши учун замин яратадиган тажриба бир ёки икки йилда вуҷудга келмайди. Унинг ортида кўп йиллик заҳмат, машаққат, изланиш ётади. Зеро, бундай даражага эришган педагоглар таълим тизимининг устун, унинг ривожланишини таъминловчи механизмдир.

Ҳулкар ТҶИМАНОВА, «Ma'rifat» муҳбири



БЕРУНИЙ ШАХРИДАГИ 11-МАКТАБНИНГ БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ҲИҚИТУВЧИСИ, КЎП ЙИЛЛИК ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАГА ЭГА МУАЛЛИМА УБАЙДА ЮСУПОВА НОАЪНАВИЙ ДАРС УСУЛИ ОРҚАЛИ ҲИҚУВЧИ-ЁШЛАР ОНГИГА ЎЗ САБОҚЛАРИ ОРҚАЛИ ВАТАНГА САДОҚАТ, МЕХР-МУХАБАТ ТУЙҒУЛАРИНИ СИНГДИРИБ КЕЛМОҚДА.

У "Йилнинг энг яхши фан ҳиҚитувчиси - 2010" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг тажрибали ҳиҚитувчи" номинациясини қўлга киритди. Баркамол авлодни тарбиялашни ўзининг асосий вазифаси деб билган муаллима ҳар бир машғулоти ноаънавий усулда, кўргазмалли қуроллар асосида олиб бориши, ҳиҚувчилар билан алоҳида-алоҳида шуғулланиши билан ажралиб туради.

Суратларда: Убайда Юсупова дарс жараёнида.



БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ, УЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИДА АЁЛЛАР, ЯЪНИ ОНАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ БЕКИЁС. СОҒЛОМ ОНАДАНГИНА СОҒЛОМ ФАРЗАНД ДУНЁГА КЕЛАДИ.

Шу боис юртимизда бир қатор давлат дастурлари асосида аёллар саломатлиги, улар ўртасида турмуш тарзини тўғри шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, спортнинг нафис ва но-зик, аёлларга хос турларини ривожлантириш, спорт билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали аёллар саломатлигини асраш, баркамол авлод тарбиячиси бўлган оналарда ўз соғлиги-га бўлган масъулликни кучайтириш мақсадида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ҳамда амалий ишлар олиб борилмоқда.

13-15 сентябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт саройида ўтказилиши режалаштирилган «Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир» шiori остидаги Аёллар спорт фестивали ҳамда Республика гимнастрада фестивали ҳам ана шундай аънавий тадбирлардан биридир. Енги атлетика, волейбол, стол тенниси, шоҳмот, дартс, сузиш каби

спорт турлари бўйича ўтказила-диган Республика аёллар спорт фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 300 нафар (уй бекалари, пенсионерлар, корхона ва ташкилотлар ходималари), Республика гимнастрада фестивалида эса 200 нафар спортсевар аёллар иштирок этади.

Фестивал олдидан бўлиб ўтган матбуот анжуманида ташкилотчилар — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар томонидан ушбу хайрли тадбирни уюшқоқлик билан ва юқори савияда ўтказиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, йиғилишда мамлакатимизда аёллар спортга қаратилаётган юксак эътибор халқаро майдонларда ҳам ўзининг натижаларини кўрсатаётганлиги, энг муҳими эса, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётгани иштирокчилар томонидан таъкидланди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ

ҚАМАШИ ТУМАНИДАГИ «БОЙЧЕЧАК» 6-БОҒЧА-МАКТАБ МАЖМУАСИДА 105 НАФАР ТАРБИЯЛАНУВЧИГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИЛМОҚДА.

Мажмуада яратилган шарт-шароит, қулайликлардан фойдаланиб фаолият олиб бораётган тарбиячиларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Мактаб ёшига етган тарбияланувчилар ўқиш-ёзишни шу ерда ўзлаштиришмоқда. Боғча-мажмуада кичик, ўрта, катта, 2та тайёрлов гуруҳи мавжуд. Тарбиячилар — Дилфуза Юсупова, Муниса Махмаева, Адолат Баратованинг машғулоти раи-ранг-баранг ва қизиқарли.

— Мажмуаимизда турли-туман фан ва спорт тўғарақлари ишлаб турибди, — дейди боғча мудираси Зархол Хушвақтова. — Айниқса, бадий гимнастика тўғарақига тарбияланувчиларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам қизиқишлари катта.

«Бойчечак»даги беғуборлик бизни чин маънода болаликнинг сўнгсиз эртақлар оламига етаклайди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ 2010 ЙИЛ 27 МАЙДА 125-СОНЛИ, 2010 ЙИЛ 27 МАЙДА 125 К/Б-СОНЛИ «УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАЪЛИМ ТАЪЛИМЛАРИНИНГ ИШ ЮКЛАМАСИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚЎШМА БУЙРУҚЛАРИ ИМЗОЛАНГАН ЭДИ.



ҲиҚитувчиларнинг шахсий иш режаларини ишлаб чиқиш, иш юкламасини белгилаш ва тақсимлашга ёрдам бериш мақсадида буйруқнинг иловалари «Maktabda biologiya» журналининг 8-сонида эълон қилинди.

Шунингдек, 5—9-синф ҳиҚувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом, «Йиллик рейтинг кўрсаткич бали, уни аниқлаш усули ҳиҚитувчи томонидан белгиланади» материали

ҳиҚитувчиларнинг иш фаолияти сифатини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиригининг «Умумтаълим мактаблари учун 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи имзоланди. Нашрнинг ушбу сонида айнан, тасдиқланган ўқув режаси билан танишасиз.

Бундан ташқари, «Биология фани бўйича умумий ўрта таълим ўқув юкламаларини оптималлаштириш натижалари»да ишчи гуруҳлар хулосалари ва таҳлиллари, Илмий методик Кенгаш тавсиялари асосида умумий ўрта таълим мактабларида биология фанидан жами 12 соат ҳажмдаги бта мавзунинг оптималлаштирилганидан хабардор бўласиз.

«Биология фанидан умумтаълим мактаблари ўқув дастури йўналишлари бўйича амалдаги ва узвийлаштирилган ўқув юкламаларининг қиёсий таҳлили» эса фан ҳиҚитувчиларини бефарқ қолдирмаслиги аниқ. «Умумтаълим мактабларининг биология ўқув-лаборатория хонаси»да масъул ҳиҚитувчи ва лаборантга қўйилган талаблар, ўқув жиҳозларининг жойлашиш тартиби ва улардан самарали фойдаланиш, сақланиши ҳамда санитария-гигиена талабларига қўйилган талаблари ҳиҚитувчилар учун асосий қўлланма бўла олади. Шулар қаторида журналдан муштарийларининг доимий ҳамроҳига айланган «Атамалар лугати» ҳам ўрин олган.

Мухлиса МҲМИНОВА

«МАКТАБДА КИМУ» ЖУРНАЛИНИНГ 8-СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ. ЎЙЛАЙМИЗКИ, МАЗКУР СОН ҲАР БИР ҲИҚИТУВЧИ УЧУН ЗАРУР МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА БЎЛИБ ҚОЛАДИ.




Чунки, унда «Умумий ўрта таълим мактаблари фан ҳиҚитувчиларининг намунавий йиллик иш режаси», «Умумий ўрта таълим мактаблари ҳиҚитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома», «Йиллик рейтинг кўрсаткич бали», уни аниқлаш учун ҳиҚитувчи ҳиҚувчининг таълим олиш жараёнидаги фаолиятининг қайси жиҳатларига эътибор бериши лозимлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиригининг «Умумтаълим мактаблари учун 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи, мазкур режанинг 10-синфлар очилиши ва очилмаслиги ҳолатларини инобатга олинган ҳолда тасдиқланган кўринишлари берилган.

Бундан ташқари, педаголаримиз қимё фани бўйича умумий ўрта таълим ўқув юкламаларини оптималлаштириш натижалари ва умумий ўрта мактабнинг қимё ўқув-лаборатория хонасининг жиҳозланиш тартиби билан танишиб, ҳиҚитувчи бир йилда неча кун таътилга чиқиши мумкин, деган саволга жавоб оладилар. «Maktabda kimyo» журнали сизнинг яқин ёрдамчингиз эканини унутманг.

Н.ҚОСИМОВА

БУГУН ПЕДАГОГ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ БЕВОСИТА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАҚСАДИДА БИР ҚАТОР ЯНГИЛИКЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.



Жумладан, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳиҚитиладиган умумтаълим фанларининг мазмунан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун тажрибали ҳиҚитувчилар, етакчи олим, методист ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи томонидан, жумладан, география фани олдига қўйилган Давлат таълим стандартлари, уларга берилган шарҳлар, ўқув дарслиқлари ва дастурлар ҳиҚувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ таҳлил этилди.

«Maktabda geografiya»нинг яқинда нашрдан чиққан 8-сонида мазкур меъёрий ҳужжатлар эълон қилинган.

«Мақбул дастур — мазмунли сабоқ» материали «Ўқув юкламаси ва қиёсий таҳлил» рукнида берилган бўлиб, унда мақбуллаштирилган ўқув дастурлари баён этилган. Янги ўқув йилидан эътиборан ҳиҚувчилар билимини баҳолашнинг амалдаги рейтинг тизимига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди. «Такомиллаштирилган рейтинг тизими: у адолатли ва холис баҳолаш мезонидир» материалида халқ таълими мутахассислари томонидан дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари ўрганилган ҳолда ишлаб чиқилган ҳиҚувчилар билимини баҳолашнинг такомиллаштирилган механизми билан танишасиз.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, амалда бўлган «Умумий ўрта таълим мактаблари ҳиҚитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича Йўриқнома»га кўра фан ҳиҚитувчиси йиллик иш режа асосида 33та иш тури бўйича камида 18та дафтар юритиб, ҳисоботлар тайёрлаши лозим бўлган. Натижада унинг асосий вақти ортиқча ҳисоботлар тайёрлашга кетган. «Иш юкламаларидаги янгилик — таълим-тарбия сифати ва самарадорлигига қаратилди» материалида эса сиз «Умумий ўрта таълим мактаблари фан ҳиҚитувчиларининг намунавий йиллик иш режаси» билан танишиб, янги таҳрирдаги Йўриқномадаги ўзгаришлардан воқиф бўласиз.

«Синф хонаси: у қандай жиҳозланмоғи керак?» тавсияси, «Қайта нашр, унда 95 фоиз маълумотлар янгиланди?» материаллари ҳам фан ҳиҚитувчиларини география оламидаги бугунги янгилик ва талаблардан бохабар этишга хизмат қилади.

Ойбуви ОЧИЛОВА

...Умумтаълим фан олимпиадасининг жорий йилги республика босқичи бахслари. Норбиби Аҳмедова турли вилоятлардан келган ҳамкасблари каби илмлар бахсида куч синашаётган шогирди Ферузжонни интиқлик билан кутаяпти. Бир зум хаёллар муаллимани ўтган йиллар сарҳисобига ундади. Бу йил муаллиманинг шогирдлари учинчи марта фан олимпиадасининг республика босқичида иштирок этишяпти. 1991 йили ўқувчиси Азизжон Искандаров 3-ўринни, 2004 йилда эса яна бир шогирди Отахон Қурбонов мутлақ голибликни қўлга киритган эди. Ушанда ҳайъат аъзолари "юз фоизлик имкониятдан юз балл олиш, яъни мутлақ голиблик жуда кам учрайдиган муваффақият, шу ўқувчини олимпиадага тайёрлаган ўқитувчилар билан ҳам бир суҳбатлашайлик", дейишибди. Норбиби Аҳмедова ийманиб, уялиб оҳистагина кириб келади. Қорачадан келган юзларида меҳр порлаб турган муаллимани ҳайъат аъзолари чин дилдан қутлашди. Ўқувчисига ниҳоятда пухта билим берганлиги учун раҳматлар айтишди. Ушанда Норбиби осмон қадар ўсди. Шу йиллар давомидаги меҳнатлари, ўқиш, изланиш жараёнидаги заҳматлар чарчоги бир зумда тарқалиб, қалбини қувонч, вужудини эса янги куч-ғайрат эгаллади...

ана шу жараёнда пишиди, педагогик фаолияти пўлатдек тобланди. У ўқувчиларига ўзи дарс бераётган фанни чуқур ўргатишда фан олимпиадаларининг роли катта эканлигини англаб етди. Тўғри, ҳар бир фан бўйича голиблар сўнгги маррада 3 нафар бўлади. Аммо шу синов жараёнида ўрганилган билимлар-чи?! Улар ўқитувчи ҳамда ўқувчига берилган шундай мукофотлар, бойлиқки, уни ҳеч ким ҳеч қачон тортиб ололмайди. Шунинг учун муаллима ўз ўқувчиларини дастлабки йиллар синф, мактаб, туман олимпиадаларига катта куч ва ишонч билан тайёрлади. Ана шу пиллапоялардан ўтиб бўлган эса, вилоят, республика фан олимпиадаларига тайёргарлик кўришди. Албатта, бу осон кечган эмас. Эр-таю кеч китоблар варақлаш, масалалар устида бош қотириш... Қареддир янги китоб ёки физика фанига оид "янгилик чиқибди" деб эшитса, албатта, топиб ўқишга ҳаракат қиларди. Бутун хаёли, фик-

мактабда, уйда ва томорқада ишлашда киядиган кийимлари алоҳида эди. Момоси бешала қизни ҳам сочларини майда қилиб ўриб қўяр, уст-бошини тоза-озода сақлашга ўргатарди. Ҳеч кимнинг оилада белгиланган тартиб-интизомни бузишга ҳаққи йўқ эди. Баъзида момоларининг қатъий талаб ва тартибларидан норози бўлган қизлар оналарига: — Онажон, бувим бизни ҳадеб тергайверадилар, дугоналаримиз эркин юриб, кийинишади. Аҳир онамиз сиз-ку, дея нолиган пайтлари бўлган. Онасининг эса ҳар доим-гидек гапи битта эди: — Жон, қизларим, момонг оиламизнинг каттаси. У киши эл орасида юради, кўп нарсани билади. Шунинг учун тартиб-интизомда мен момондан ўтиб, бир нарса дея олмаيمان. Момоннинг гаплари гап. Отаси Раҳмат ака ҳам қишлоқнинг ҳурматли инсонларидан эди. У киши далада бригадирлик қилар,

Ustoz — elda aziz

дим. Мен сизларни ўқимишли, одамларга фойдаси тегадиган яхши инсон бўлишларингизни истайман...

Отасининг бу гапларни айтганига шунча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, худди кечагидек қулоқлари остида жаранглаб турибди унинг. Ҳа, болалик хотиралари ўчмас бўлади. «Отажон, биз сўзларингизни олдик, сизга муносиб фарзанд бўлдик», дея лаблари оҳиста пичирлайди.

Бугун акалари Фуломжон ва Ҳеъматжон ҳам ўқитувчилик қилишади, Норбегим синглизис қўли энгил ҳамшира. Нодира, Гулжамол, Гулчеҳра эса донгдор чевар бўлди... Ўзи эса ҳар йили юз-юз йигирма нафар шогирдларини, отаси орзу қилганидек олий маълумот олишларига, олий даргоҳларга киришларига ёрдам беради. Шунинг учун Норбиби Аҳмедова умид билан билим олишга келган ёшларни ҳеч қачон "вақтим йўқ" ёки "палон сўм пул берасизлар", дея қайтармайди. Ҳаммани бир кўзда кўриб, бир хилда талаб қўйиб илм ўргатади.

Ана шу шогирдлари унга яхши муаллим деган номни олиб келишди. Уларнинг ўзи билимга ташналиги уни билимдон қилди. Аҳир муаллимликнинг бахти ҳам шундада... Муаллима йигирма йиллик педагогик фаолияти кечинмалари оғушида қолиб, тун ярмидан ошганини сезмай қолибди. У секин ўгли Шухратжоннинг хонасига кирди. У ҳам ширин уйқуда. Онаси меҳнатларининг гувоҳи, меҳрибони, ёрдамчиси ҳамда шогирди шу Шухратжон. У ўтган ўқув йилида Губкин номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали нефть ва газ факультетига энг юқори балл билан 1-ўринда талабалikka қабул қилинди.

Норбиби деразини очиб, беғубор осмонга тикилди. Осмон шу қадар поёнсиз, унда сон-саноксиз юлдузлар чарақлаб, милтиллаб порлайди. Унинг қалби ҳам осмон қадар юксалиб, кенгайиб кетгандек бўлди...

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Малака ошириш институти ўқитувчиликнинг машаққатли йўли ҳақида ёшлар билан бўлган суҳбатда кекса методистлардан бири ёшларга қарата "Яхши ўқитувчи бўлишингиз учун осмон қадар кенг қалб, метин каби ирода керак" деган эди. Норбиби Аҳмедова ҳам ана шундай кенг қалбли метин иродали, жасоратли муаллимлардан. Шунинг учун унинг юлдузлар қадар беҳисоб шогирдлари бор.

Мустақиллигимизнинг 19 йили унинг педагогик фаолиятида жуда кўп қувончли, ёрқин саҳифалар қолдириди. Бу гамхўрликларга муаллима фидойи меҳнатлари билан жавоб қайтарди. Унинг муҳаббат билан ёшларга таълим-тарбия бериш ҳақидаги фалсафасини ўйлар эканман, чет эллик машҳур бир адибнинг "Муҳаббат бумерангга ўхшайди, у доимо ўзингизга қайтиб келади. Балки ҳар доим ҳам сиз берган кишидан қайтмас, лекин барибир у сизга қайтади. Лекин доимо шуни эсда тутуш керакки, моддий ва пулдан фарқли равишда бизда муҳаббат захирасининг чек-чегараси йўқ. Биз уни ҳада этганда йўқотмаймиз. Аслида муҳаббатни йўқотишининг ягона усули ичимизда — бу уни бошқаларга бермасликда".

Бир пайтлар момоси, ота-онаси, мактаб ва олий даргоҳдаги устозлари, қолаверса, жамоасидагилар ана шу муҳаббатни унга беришган эди. Бугун эса у шогирдларига ҳада этипти. Улар эса бу муҳаббатни ҳар қуни муаллимларига ва атрофдагиларга меҳр билан қайтаршади. Балки муаллим эришаётган ютуқларнинг сири ҳам шундадир.

Сора ТОШОВА, «Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ЮЛДУЗЛАР ОСМОНДА ПОРЛАЙДИ...

Олимпиада билимлар чархи

Ўша йилги фан олимпиадасининг саралаш босқичларида яна икки нафар ўқувчиси Фарҳод Мадидёров ҳамда Аббор Хидоятлов 1-, 2-ўринларни эгаллаб, физика фанидан жаҳон олимпиадасига тайёргарлик кўра бошлади.

— Ассалом, устоз! — дея чўзиб, жўрликда айтилган товуш муаллима хаёлларини бўлиб юборди. Қараса, ўтган ўқув йилида Ўзбекистон Миллий университетининг физика, математика факультетларига талабалikka қабул қилинган тўққиз нафар собиқ ўқувчилари...

— Устоз, сизни олимпиадага ўқувчи олиб келибди, — дея эшитиб, ҳузурингизга югурдик, — дея шогирдлари устозига эҳтиромини билдиришди.

Муаллима шогирдларининг ҳар бирини бағрига босар экан, бир олам қувонч туйди. Бу қувонч ва руҳий кўтаринкиликни фақат муаллимлик касбига бутун борлигини берганларгина билади. Ҳа, устоз шогирдларига билим билан биргаликда меҳр-муҳаббат ҳам берган эканки, бугун ўша меҳр уларни устоз ҳузурига йўллабди... Бир пасда шогирдлари чуғурчуқлардек ўз ўқишлари, 1-курсдаги муваффақиятлари ҳақида устозларига бир дунё маълумотлар беришди.

Шу пайт бошқа вилоятдан келган бир ўқитувчи муаллимадан сенингизга — "булар, кимларингиз", — дея сўради.

— Булар менинг ўқувчиларим, университетнинг 1-курс талабалари, — деди муаллима фахр билан.

— И-е, бир йилда шунча ўқувчингиз ўқишга кирдимиз, — деди ҳалиги ўқитувчи ҳавас билан.

— Бу ерга келган талабалар устозимизнинг юздан бир ўқувчилари, — деди шогирдларидан бири ғурурланиб. — Устозимизнинг ҳар йили юзлаб шогирдлари республикамизнинг турли олий ўқув юрлари талабаси бўлади.

Шу орада Ферузжон ҳам қувонч билан чиқиб келди. У фан олимпиадасининг республика босқичида физика фани бўйича 3-ўринни эгаллаб, талабаликни нақд қилиб чиқибди.

Касб камолотининг усиш нуқтаси

Норбиби бундан йигирма йил илгари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети-нинг физика факультетини тугатиб, туғилиб ўсган қишлоғи Жигачига келди. Буни қарангки, ўша йили туманда математика-физикага ихтисослаштирилган мактаб-ин-

тернат иш бошлаган бўлиб, туман халқ таълими бўлими томонидан ёш ўқитувчига ўша мактабда ишлашга йўлланма берилди...

Норбиби бу хабарни эшитиб, бироз ҳадиксиради... Эсида у талабалик йилларида Тошкентдаги физика-математика фанини чуқур ўргатишга ихтисослашган мактаб-интернатда педагогик амалиётда бўлган, ўқитувчиларнинг дарсларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришларини кузатган. Аммо у ерда дарс берадиган ўқитувчиларнинг қўтчилиги тажрибали, билимдон ўқитувчилар, фан номзодлари, профессорлар эди. У бўлса эндигина институтни тугатган, тажрибасиз ёш бир ўқитувчи. Бўлажак муаллиманинг хаёлидан бир зумда шунга ўхшаш хавотирли ўйлар яшин тезлигида чақнаб ўтди... Мудир қиздаги ўйчанликдан хавотирни сезгандек:

— Қизим, ҳеч чўчимасдан, иккиланмасдан ишни бошлайверинг. Олий даргоҳда яхши ўқигансиз. Бунинг устига Тўхтамурод Жумаевдек тажрибали, билимдон устозга шогирд бўлаёсиз. Қийинчиликлардан кўркманг, катта мақсадлар қўйиб, олға интилсангиз, янги билимлар эгаллаш ва уни шогирдларингизга улашишдан чарчамасангиз, албатта, бир кун келиб болаларнинг севимли устозига айланасиз, — деди.

Ушбу гаплар унга озгина тасалли берган бўлди, аммо... Иқтидорли болаларни мактаблардан излаб топиш, илм даргоҳига жалб этиш, уларнинг билимларини ҳар кун, ҳар бир машғулотда ошириб бориш — бутун жамоа каби ёш муаллиманинг ҳам кундалик фаолияти мазмунига айланди. У ўзидаги билимларни мукамаллаштиришга, қўшимча манбаларни ўрганишга кўпроқ вақт ажратарди. Ўрганганларини эса ўқувчиларига, осон, уларни зериктирмайдиган тарзда етказишни устозлардан ўрганиб, ҳар бир машғулотида таъбиқ қиларди. Илм маскани директори Тўхтамурод Жумаев ҳар қуни ҳар бир муаллим олдида янги ва давомли қатъий талаблар қўяр, уларнинг натижаларини эса кузатиб, белгилаб, баҳолаб ҳамда рағбатлантириб борарди. Бу илм масканида наинки ўқувчининг билимларини қай даражада ўзлаштиришига қараб ўрни, балки уларга дарс бераётган ўқитувчиларнинг ҳам қилаётган ишлари, фаолияти, эришаётган муваффақиятлари натижаси ҳафта-лар, ойлар давомида белгилаб бориларди. Шунинг учун ҳар бир фан ўқитувчиси, ҳар бир синф ўқувчиси бир-биридан ўзиш учун дўстона рақобат асосида ҳаракат қилишарди. Норбиби муаллима ҳам



ри фан олами билан боғланиб кетган эди. Тўғриси, баъзида овқатланш ҳам эсдан чиқиб кетарди. Ҳатто "мен ҳам бошқалардек кийинишим керак", дея янги кўйлакка ажратиб қўйган пулларига ҳам бир қучоқ китоблар сотиб олганини ўзи ҳам билмай қоларди. Ўқувчиларига дарсдан ва дарсликлардан ташқари билимлар беришда вақтни чегараламасди.

Ана шу 20 йиллик фаолияти давомида турмушга чиқди, икки нафар фарзандли бўлди. Аммо касби, фаолиятини тўхтатиб қўймади. Ҳаммасини биргаликда олиб борди. Баъзида ўқувчилари билан дарсдан кейинги машғулотлари шу қадар қизгин ва мунозарали бўлардики, орадан ўтган 4-5 соат худди 40-45 дақиқалик машғулотдек туюларди. Шундай кезлари худди гуноҳкор кишилардек минг бир истихора билан уйига кириб келар, умр йўлдоши Ҳусен ака олдида ўзини ноқулай сезарди. Умр йўлдоши ҳам ҳамиса уни тўғри тушуни, қўлидан келган ёрдамчини аямасди. Баъзида кечки машғулотларда жажжи ўгли Шухратжоннинг парталар устида ухлаб қолган кезлари кўп бўлган. Ўзининг эса оппоқ тонларни китоблар устида орттирган кунлари ҳам...

Муҳаббатнинг қайтиши

Баъзида ҳамкасблари, ота-оналар: «Сиз синф раҳбарлик қилган синф қизлари бошқача-да», деб қолишади ҳавас билан. Шундай кезлари у шогирдларига ҳар қуни ҳада этаётган таълим-тарбияси, меҳр-муҳаббати уруғларини унинг қалбига экиб, гудек парваризилаган бувижониси Ўғилжон момони, волидаю муҳтарамаси Болтагул аяни, падали бузруквори Раҳмат отани меҳр билан эслайди. Улар оилада 2 нафар ўғил, 5 нафар қиз эдилар. Етти нафар боланинг ҳам

тонг отмасдан далага кетиб, қоронғу тушганда уйга қайтарди. Аммо шунга қарамасдан ҳар бир боласининг кундалигини, фанларни ўзлаштиришию, уй вазифаларини бажаришини доимо назорат қилиб борарди.

Ҳатто ҳар ойда вақт ажратиб мактабга кириб, синф раҳбарларидан болаларининг тартиб-интизоми, ўқишини ҳам суриштириб турарди. Ана шундай навбатдаги назорат пайтида отаси Норбибини математика фанидан уй вазифасини бажармаганлигини билиб қолди.

— Нега уй вазифангни бажармадинг, сабаби нима қизим? — дея сўради у киши хафа бўлиб. Норбиби ваз жазо бўлди. Шунда катта мактаб сумкасига китобларни жойладию — Мана шуни бурчақда кўтариб тур. Шунда уй вазифасини бажариш эсингдан чиқмайди, — деди.

Доимо яхши ўқиб, сингилларига намуна бўлиб келган она учун бу жазо бир умрлик сабоқ бўлиб қолди...

Улар анча улғайиб, оку-қорани танийдиган бўлган кезлари бир қуни кечқурун отаси болаларига ўз болалиги ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Болаларим, мен сизларга нисбатан доимо қаттиққўл ота бўлдим. Мактаб, оила, тартиб-интизомга риоя қилишларингизни талаб қилдим. Чунки тўқис болалик кўпроқ эркинликни, уйинқароқликни ёқтиради. Ана шу жараёндаги талабчанлик эса сизни тўғри йўлга бошлайди. Момоларингиз 25 ёшларида бева қолиб, биз икки нафар ака-укани катта қилган. Баъзида қиш чилласида оёқ кийимининг таги емирилиб кетганлиги боис, мактабдан чиқишим билан қор устидан тўхтамасдан уйга чопиб келардим. Гарчи мактабда яхши ўқиган бўлсам-да, оилавий шароит туфайли олий таълим ололма-

Mavzu: DUNYONING SIYOSIY XARITASI

(Geografiya, 9-sinf, 1-chorak)

Umumiy o'rta ta'lim Davlat ta'lim standartlarini amaliyotga joriy etishda barcha umumta'lim fanlari qatori geografiya fani ham o'quv dasturi va darsliklar bilan ta'minlanib, zamonaviy pedagogik texnologiyalar hayotga joriy etilmoqda. DTSda keltirilgan geografik obyekt, hodisa hamda jarayonlar mazmunini o'quvchilar puxta o'zlashtirishlari, sabab va oqibat bog'lanishlarini bilib olishlarida tajribada sinalgan metodlar o'z samarasini ko'rsatmoqda. Biz 9-sinf o'quvchilari bilan "Dunyoning siyosiy xaritasi" mavzusini kompyuter texnologiyasidan foydalangan holda o'rgandik.

Darsning maqsadi:

Ta'limiy: o'quvchilarni mustaqil ishlash, ijodiy izlanish orqali bilim olishga, xarita bilan xatosiz ishlashga o'rgatish, davlatlarni guruhlarga ajrata olish.

Tarbiyaviy: fanga qiziqish uyg'otish, Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash.

Rivojlantiruvchi: berilgan bilimlarga tayangan holda xarita bilan xatosiz ishlash, tez fikrlash, mulohazalarini aniq ifodalashga o'rgatish.

Kutilgan natijalar: dars so'ngida "Siyosiy xarita" tushunchasi, uning rivojlanish bosqichlari, mamlakatlarning guruhlanishi, siyosiy tashkilotlarni bilish, bayroqlariga qarab davlatlarni ajrata olish.

Dars jihozlari: dunyoning siyosiy xaritasi, turli xalqlar va millatlarning suratlarini, davlat bayroqlari rasmlari, multimedia vositalari, slaydlar.

Fanlararo bog'lanish: tarix, tabiiy geografiya, etnografiya, siyosatshunoslik, kartografiya.

Darsning metodi: aralash, klaster, musobaqa, aqliy hujum, to'g'ri top, xaritaning bilasizmi?

Darsni tashkil qilish: mantiqiy yondashuv, biz bilgan bilimlar, xarita bo'ylab sayohat, geografik bahru bayt, statistik ma'lumotlar bilan ishlash.

O'qituvchi dastlab siyosiy xaritaga ta'rif beradi. Bu o'quv filmi orqali ko'rsatiladi. Film tugagach, o'qituvchi sinf o'quvchilariga savol bilan murojaat qiladi:

— Yugoslaviya sotsialistik federativ respublikasi qaysi suveren respublikalarga bo'lindi?

O'quvchilar: — Xorvatiya, Makedoniya, Sloveniya, Serbiya, Bosniya va Gergovina, Chernogoriya.

O'qituvchi: — Sobiq ittifoqdan ajralib, mustaqillikni qo'lga kiritgan davlatlarni aytig.

O'quvchilar: — Armaniston, Belarus, Estoniya, Gruziya, Latviya, Litva, Moldova,

Bir soatlik dars


Ozarboyjon, Qirg'iziston, Qozog'iston, Rossiya Federatsiyasi, Tojikiston, Turkmaniston, Ukraina, O'zbekiston.

O'qituvchi: — Iqtisodiy rivojlangan davlatlar tarkibiga qaysilar kiradi?

O'quvchilar: — AQSh, Yaponiya, Germaniya, Buyuk Britaniya, Fransiya, Italiya, Kanada, Xitoy.

O'quvchilar bilimlarini mustahkamlab olganlaridan keyin o'qituvchi slayd orqali yana bir bor javoblarni namoyish etadi.

O'qituvchi tomonidan "Biz bilgan bilimlar" o'quvchilar fikriga havola qilinadi.



1. Respublikamizdagi neft va gaz konlarining eng ko'pi qaysi hududda joylashgan?

- Farg'ona vodiysi;
- Buxoro-Xiva oralig'i;
- Ustyurt;
- Surxondaryo.

2. O'zbekistonning rangli metallarga eng boy to'g' tizmasi qaysi?

- Nurota to'g' tizmasi;
- Qurama to'g' tizmasi;
- Chotqol to'g' tizmasi;
- Morguzar to'g' tizmasi.

3. Mamlakatning xo'jalik mavqei nimaga qarab aniqlanadi?

- Tabiiy sharoit;
- Tabiiy boylik;
- Xalqaro ixtisoslashuv;
- Mehnat unumdorligi.

4. Mamlakatimiz hududi bo'ylab o'tuvchi Osiyo va Yevropa mamlakatlarning tranzit yuklari qaysi yo'l orqali tashiladi?

- Chorjo'y-Qo'ng'iro't;
- Xovos-Bekobod;
- Qo'ng'iro't-Deynov;
- Toshkent-Andijon.

5. Transport ishi qanday ifodalanadi?

- Tashilayotgan yuk turiga qarab;
- Yukning qancha masofaga tashilayotganiga qarab;
- Yukning qanchalik tez yetkazilishiga qarab;
- Qancha yuk necha kilometrga tashilgani(yuk oboroti)ga qarab.

Javoblar tinglanadi.

Xarita bo'ylab sayohat. Bu sayohat "Kim chaqqon?" o'yini orqali amalga oshiriladi.

O'qituvchi: — Xaritadan foydalanib maydoni katta 20ta davlatni aniqlang.

O'quvchilar: — Rossiya, Kanada, Xitoy, AQSh, Braziliya, Avstraliya, Hindiston, Argentina, Qozog'iston, Sudan...

O'qituvchi: — Orol va yarimorolda joylashgan davlatlarni sanang.

O'quvchilar: — Grenlandiya, Avstraliya, Yaponiya, Madagaskar, Indoneziya, Yangi Zelandiya, Buyuk Britaniya, Yangi Gvineya, Filippin, Islandiya davlatlari orolda joylashgan. Hindiston, Saudiya Arabistoni, Ispaniya, Portugaliya, Italiya, Turkiya, Koreya, Tailand, Vetnam, Somali esa yarimorolda joylashgan davlatlar hisoblanadi.

Geografik bahru bayt. Bu o'yin geografik nomlar va atamalar, davlatlar asosida o'tkaziladi. Bunda dastlab sinf o'quvchilaridan ikki nafari bellashuvga taklif etiladi. Birinchi o'quvchi birorta geografik nomni aytadi, ikkinchi o'quvchi esa aytilgan nomning oxirgi harfi bilan boshlanuvchi boshqa bir nomni aytadi. Kim to'xtab qolsa, mag'lub bo'ladi.

O'qituvchi: — NATOga a'zo davlatlarni sanang.

O'quvchilardan mazkur topshiriq bo'yicha javoblar olingach, slayd orqali NATOga a'zo davlatlar haqida qisqacha ma'lumotlar namoyish etiladi.

Dars oxirida o'quvchilarning dunyoning siyosiy xaritasi haqidagi bilimlari tekshiriladi. Mavzu bo'yicha nimalarni biladi, darsda nimalarni bildi, yana qanday ma'lumotlarga ega bo'lishni istaydilar? O'quvchilar buni yozma ravishda o'qituvchiga taqdim etadilar.

Uyga vazifa: Jahon mamlakatlarini yozuvsiz xaritaga tushirish.

Sabohat BERDIYEVA,
Mirobod tumanidagi 213-maktab
geografiya fani o'qituvchisi

Boshlang'ich sinflarda musiqa madaniyati fani doirasida o'zbek xalq musiqasi, o'zbek xalq bolalar qo'shiqlari, o'zbek xalq bolalar o'yinlari, o'zbek xalq kuylari, milliy ijrochilik haqida tushuncha beriladi.

Davlat ta'lim standartlarida boshlang'ich sinf o'quvchilari musiqa ta'limi fanidan egallashi lozim bo'lgan me'yorlar ko'rsatilgan. O'qituvchi shu mezonlar asosida saboq beradi. Mazkur me'yoriy hujjatda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatlari uyg'unligi keltirilgan bo'lib, darsda o'rganilishi zarur bilimlar mujassamlashgan. Musiqa madaniyati darsligi o'quvchilar qo'lida mavjud bo'lib, dars quyidagi talablar asosida tashkil etiladi:

- bosh mavzuni o'rganish;
- mavzular mazmunini yorituvchi musiqiy asarlardan parcha tinglash;
- jamoa bo'lib qo'shiq kuylash;
- musiqa (boshlang'ich nazariyasidan) savodi;
- savollari, topshiriqlar ustida ishlash.

Shu asnoda musiqa ijodkorligi faoliyati har darsda muntazam takrorlanib, ko'nikma hosil qilib, malaka oshirib boriladi.

Majburiy standart nazorat ishi (MSNI) to'plami o'quvchi o'zlashtirgan bilimlarni test savollari orqali sinab, baholash imkonini

DARS SAMARADORLIGI ASOSI

Sinab ko'ring

beradi. MSNIlar boshlang'ich sinf yosh xususiyatini hisobga olgan holda yaratilgan bo'lib, undan ijro madaniyati, musiqa tinglash madaniyati, testlar (1-2-variant), musiqa ijodkorligi (4-sinf MSNI-2) o'rin olgan:

a) Ijro madaniyati — o'quvchilarning ijrochilik malakasi rivojlanganligini baholash;

b) Musiqa tinglash madaniyati — musiqa asarini tinglab, kuyni yoki asarni idrok etishi va tavsifini keltirish, ya'ni musiqa asarining janri, tuzilishi, ifoda vositalari, ijrosi, badiiy mazmuni kabi xususiyatlarini bilishni sinovdan o'tkazish;

s) Musiqa ijodkorligi — mustaqil izlanuvchanlik, ijodkorlik, o'qituvchi ijro etgan biror musiqaga doira yoki boshqa cholg'u asbobi bilan jo'r bo'lish. Raqs harakatini o'zlashtirish, topa olish. Boshlang'ich sinfda ushbu yo'nalishlarda ish olib borish, qo'shiq kuylash va tinglash muhim ahamiyat kasb etadi.

Namunali darslar o'tishda

o'zbek bastakorlari va kompozitorlari ijodidan foydalanish, "Konsert dars", "Klaster", "Mo'jizalar maydoni" o'yin darsi, "Tanqidiy tafakkur" usullarini qo'llash, o'zbek xalq qo'shiqlari, kuylari, "Dilxiroj", "Munojot", "Gulzorim", "Ey sabo", "Qo'shchinor" kabi mumtoz musiqalarni tinglatib, milliy musiqa orqali milliy ohanglarga oshno etib borishga e'tibor qaratish kerak. Sinfan tashqari o'tkaziladigan badiiy kechalarda "Mustahzod", "Tanovor", "Andijon polkasi", "Lazgi" kabi mumtoz kuy-qo'shiqlardan foydalanish o'quvchilar ma'naviyatini yuksaltirishga hissa qo'shadi. Kitob bilan mustaqil ishlash ko'nikmasini shakllantirish, mavzuga doir 3,5 tagacha testlar tuzishga o'rgata borish, qo'shiqni intonatsiya bilan, aniq, ravon ijro etishga, boshqa xalq cholg'ularidan o'z milliy sozlarimizni farqlashga o'rgata

Maqsad va vazifalar	Mavzu yuzasidan tushuncha berish.
	BKMLarni o'zlashtirish. (savol, o'tgan mavzu, qo'shiq, topshiriq, test).
O'quv jarayoni mazmuni	Tinglash, suhbat asosida darsni olib borish, mavzuni yetarlicha yoritib berish (qo'shiq kuylash, musiqa tinglash, musiqa savodi, ijodiy faollik).
O'quv jarayonida amalga oshirilgan ishlar texnologiyasi	Uslub, shakl, vosita, usul, nazorat, baholash.
Kutilayotgan natija	O'qituvchi fanga qiziqtiradi. O'quvchi faollashadi, BKMLarni egallaydi.
Kelgusi rejalar	Noan'anaviy, an'anaviy, interfaol, muammoli dars, yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanib, zamonaviy dars o'tishga tayyorlanish.

Darsning ta'limiy-tarbiyaviy maqsadlari, rivojlantiruvchi qism, dars uslubi, dars jihozi, o'tgan mavzuni mustahkamlash, yangi mavzu, tinglash, ovoz sozlash, musiqa savodidan saboqlar, darsni mustahkamlab yakunlash nihoyasida uyga vazifa topshirish barchasi bir soatlik darsni tashkil etishga yo'naltirilgan jarayondir.

I.OTAJONOVA,
Buxoro shahridagi
29-maktabning
I toifali musiqa madaniyati
fani o'qituvchisi

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Абу Райҳон Беруний ўзининг фандаги илмий башоратлари билан Шарқ ва Ғарб алломаларини ҳайратга солган, дунё фанининг буюк сиймолари қаторидан жой олган қомусий олимдир. У 973 йили Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида туғилган ва 1048 йили Фазна шаҳрида вафот этган. Беруний астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакология, тарих, фалсафа, филология фанлари бўйича чуқур изланишлар олиб борган олим. Аллома Коперникдан бир неча аср илгари Ерни коинот мар-

қай даражада тадқиқ қилинаётми?

кази деб билувчи геоцентрик ва Куёшни коинот маркази деб ўргатувчи гелиоцентрик тизим тенг кучга эга деган хулосага келган. У Христофор Колумбдан 500 йил олдин Америка қитъасини башорат қилган ва унинг харитасини ҳам чизиб қолдирган.

Шунингдек, у бир неча тилларни мукамал билган. Бутун дунёда аллома шахси ва ижодига чуқур ҳурмат ҳамда эҳтиром билан қаралади. Хусусан, унинг «Ҳиндистон» асари жаҳон ҳиндунослиги, маданиятшунослиги пойдевори

бўлиб хизмат қилади. Куни кеча ЎзРФА Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Тошкент давлат техника университе-

Anjuman

тида Абу Райҳон Берунийнинг таваллуд кунига бағишлаб ўтказилган «Абу Райҳон Беруний мероси ва ҳозирги замон» мавзuidaги илмий-назарий анжуман ана шу каби факт ва маълумотларга алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, илмий-

амалий анжуманда аллома асарларида бағрикенглик муаммолари, Абу Райҳон Берунийнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий, акмеологик қарашлари, Абу Райҳон Беруний фан ривожига таъминловчи ва замонавий фан парадигмаси ҳақидаги таълимоти каби мавзулардаги маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Анжуманнинг иккинчи куни Талабалар шаҳарчасидаги Абу Райҳон Беруний ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди ва илмий баҳс-мунозаралар Тошкент давлат техника

университети мажлислар залида давом эттирилди.

Икки кун давом этган анжуман қизгин фикр алмашувларга бой бўлди, маърузалар илмийлиги билан ажралиб турди. Шу боис ҳам барча чиқишларни тўплам шаклида чоп этишга келишиб олинди. Муҳими, тадбир доирасида Абу Райҳон Берунийнинг илмий меросини янада кенгроқ ва самарали ўрганиш юзасидан асосли таклифлар ўртага ташланди.

Анжуман якунида таклифлар умумлаштирилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

УСТОЗ-ШОГИРД МАКТАБИ

ҳамкорликнинг илк натижалари

Жиззах туманидаги 5-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулчеҳра Намозбоева ҳар бир дарсга пухта ҳозирлик кўриб, бирон янгилик яратишга интилади. Синфхонага қадам кўяр экан, «Бугун ўқувчиларга нима янгилик айта оламан?» деган саволга жавоб излайди. Дарс тугагач эса, кун бўйи ўз ишидаги ютуқ ва камчиликлар, фойдалана олмаган имкониятлари ҳақида ўйлай бошлайди.

Республикамиз мактабларида устоз-шогирд аънаналари кенг йўлга қўйилган бугунги кунда Жиззах туманидан она тили ва адабиёт фани бўйича бу юксак ишонч Гулчеҳра Намозбоевага ишониб топширилди. Айни дамда тажрибали муаллима Наргиза Аввалбоева, Муҳайё Олимжонова ҳамда Раъно Мейлибоевага устозлик қилмоқда.

Устоз-муаллима шогирдларнинг дарсларини, иш фаолиятини мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида иш олиб боришга катта аҳамият қаратмоқда.

Назира Аввалбоева, 5-мактабнинг она

тили ва адабиёт фани ўқитувчиси: — Фарзанд тарбияси билан бўлиб, бир неча йил уйда ўтирдим. Табиийки, мактаб ва ўқувчилар билан муносабатим узоқлашган эди. Ана шундай пайтда Гулчеҳра опанинг устозлик қилиши айни муддао бўлди. Мен ундан, аввало, ўқитувчига хос юксак маданиятни, ўзини тутишни, дунёқарашни

Jarayon

мунтазам ошириб боришни, болаларга меҳр қўйишни ўргандим. Замонавий дарс усуллари, айниқса, кластер усулидан фойдаланишда устознинг тажрибаси менга кўл келмоқда. Она тили ва адабиётни бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш кўникмаларини ўзлаштиряпман.

— Биз ҳам актёрларга ўхшаб бир умр сахна, эл эътиборидамиз, — дейди 38-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муҳайё Олимжонова. — Ҳаётий тажрибалардан шундай хулосага келдимки, адабиёт ўқитувчиси китобни севиши, уни мўъжизалар дунёси

деб билиши керак. Бунда устозларнинг ҳаёт йўли ва тажрибаси бизга ибрат мактабини ўтайди. Ўқувчилардан камчилик қидирмасдан уларнинг билим ва кўникмаларини ошириб боришига ёрдамлашимиз лозим.

Худди шундай изланиш ва ўрганиш 16-мактаб ўқитувчиси Раъно Мелибоева фаолиятида ҳам кўзга ташланмоқда. Аънананинг қанчалар ҳаётий эканлигини натижа ва вақт кўрсатмоқда. Бу шогирд-ўқитувчилар дарс самарадорлигида ҳам сезилади.

Гулчеҳра Намозбоеванинг шогирдлари устоз изидан бориб, дарс ўтиш методлари, турли тадбирлар, синф раҳбарлик фаолияти, иш юритиш ҳужжатларини расмийлаштириш, ота-оналар билан муомала ва алоқани мустақамлаш каби жиҳатларни ўрганмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи голиби, изланувчан педагог Гулчеҳра Намозбоеванинг тажриба мактаби ҳар қанча ўрганишга арзигulikдир.

А. СОДИКОВ
Жиззах вилояти

Qaror va ijro

Ҳар беш йилда бир марта ўтказилган таълим муассасаси аттестацияси муассасалар фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиб, бу ўша ерда кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг Давлат таълим стандартлари ҳамда талабларига мувофиқлигини аниқлашни ўз ичига олади. Давлат аккредитацияси эса таълим муассасаси фаолиятининг Давлат таълим стандартлари мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳисобланади.

Таълим муассасаси аттестациясининг ҳуқуқий-меъёрий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998

қарори ва 2008 йил 14 июлда 1836-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқнома» асосида ташкил этилади. Уни адолатли ва холисона ўтказишда ТХТБ Давлат таълим стандартлари мониторинг бўлими ташкилотчилик қилади.

Ўтган ўқув йилида фаолиятимизни айнан ана шу тамойиллар асосида ташкил қилганимиз сабабли таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш режаси юз фоизга бажарилди. 12та мактабгача ва 11та умумий ўрта таълим муассасаси фаолияти Сергели туман ҳокимлиги қошида ташкил этилган мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Натижа ижобий бўлди. Улар Давлат тест маркази қошида доимий фаолият юритувчи аккредитация комиссияси томонидан аккредитацияланди. Таълим муассасаларига «Давлат аккредитацияси ҳақида сертификат» топширилди. Бу жараён ўз навбатида 2010-2011 ўқув йилида аттестациядан ўтиши лозим бўлган таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Айни пайтда таълим муассасаларимизда аттестацияга тайёрланиш жараёни қизгин давом этмоқда. Ўз вақтида ўтказилган бу ижтимоий-сиёсий жараён таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий омилidir.

Сафарали ҲАМРОЕВ,
Сергели туман халқ таълим бўлими мудири,
Халқ таълими аълочиси

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ АТТЕСТАЦИЯСИ

уни тўғри ташкил этиш сифат ва самарадорликнинг асосий омилidir

йил 11 мартдаги «Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 109-сонли қарорида белгилаб берилган.

Аттестация жараёнини намунали ташкил этишда таълим муассасаси маъмурияти ва педагоглар жамоаси билан биргаликда бошқарув органлари, яъни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг ҳам роли катта. Бу жараёнга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, мазкур масалага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таълим муассасалари раҳбарларини мунтазам равишда таъминлаб бориш талаб қилинади. Бундан таълим муассасалари камида уч ой олдин огоҳлантирилади. Аттестация комиссияси ва экспертлар гуруҳи фаолияти Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

■ **Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 303та. Шундан: замонавий типдаги — 157та; мослаштирилганлари — 138та; авария ҳолатидаги — 8та.

Мактабларнинг моддий-техник базаси: дарсликлар таъминоти — 82,9 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 17 фоиз; компьютер ва ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 8 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 32,7 фоиз.

■ **Вилоятдаги болалар спорти объектлари:** спорт залига эга мактаблар сони — 192та; болалар спорти объектлари сони — йўқ; болалар спорти объектларининг спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 21 фоиз; ўқувчиларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 15,6 фоиз.

■ **Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони** — 14та. Шундан: замонавий типдаги — йўқ; мослаштирилганлари — 11та. авария ҳолатидаги — 3та.

■ **Вилоятдаги хунар-техника билим юртлари сони** — 15та. Шундан: замонавий типдаги — 10та; мослаштирилганлари — 5та.

Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси: ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 33 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 17,2 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 164та.

Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги: педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 532 нафар. Шундан: фан номзодлари — 15 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 516 нафар.

Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 54та.

Хунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 1950 нафар.

■ **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 1та. Сирдарё давлат педагогика институти

ОЎЮнинг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 53 фоиз. Компьютер билан таъминланганлиги — 34 дон.

Профессор-ўқитувчилар сони — 305 нафар. Шундан: фан докторлари — 6 нафар; фан номзодлари — 71 нафар; аспирантлар — 5 нафар. Талабалар умумий сони — 3900 нафар. Мутахассисликлар умумий сони — 10та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

● **Мустақиллик йилларида** вилоят халқ таълими тизимида хизмат қилган педагог ходимларнинг 148 нафари турли давлат мукофотларига сазовор бўлган. Шундан 20 нафари «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», 16 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари билан, 10 нафари I даражали «Соғлом авлод учун», 15 нафари II даражали «Соғлом авлод учун», 18 нафар «Дўстлик», 12 нафари «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланган. Шунингдек, 41 нафар ўқитувчи «Шухрат» медали билан мукофотланди.

● Мирзаобод туманидаги 21-мактаб «Йилнинг энг яхши мактаби-1995» республика кўрик-танловида голиб бўлди. Ушбу мактаб Ўзбекистон мустақиллигидан кейин мамлакатимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКО шафелигида Бирлашган Мактаблар таркибига аъзолигига қабул қилинди.

● Гулистон шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси Саида Саидбекова «Ниҳол» мукофотини олишга муваффақ бўлди. «Ўзбекистон — Ватаним маним!» кўшиқ байрами республика танловида вилоят хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернати фольклор жамоаси олий ўрин — гран-при соҳиби бўлди.

● Бёвут туманидаги 9-мактабга «Мамлакатимизнинг энг замонавий мактаби» номинацияси берилди. Бёвут туманидаги 22-мактаб ўқувчиси Рустам Босимов Вьетнамда бўлиб ўтган 48-халқаро математиклар олимпиадасида голиб бўлди.

● Шу тумандаги 1-умумтаълим



Умумий ўрта таълим


мактаби ўқувчиси Тўлқин Сафаров 2007 йили республика фанлар олимпиадасида чизмачилик фанидан энг юқори балл билан 1-ўринни эгаллади.

● Вилоятдаги умумтаълим мактаби ўқувчиларидан Мафтуна Исоқова, Ситора Барлибоева Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

● 2008 йили республика фанлар олимпиадасида Бёвут туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Иззатулло Шоисаев чизмачилик фанидан, хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Сардор Абдуғаниев ҳамда 2009 йили Гулистон туманидаги 7-мактаб 11-синф ўқувчиси Юлдуз Холматова француз тили бўйича, Янгйердаги вилоят ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати битирувчиси Зухра Сайфиддинова инглиз тилидан фахрли 2-ўринни эгаллади.

● Ховос туманидаги 10-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси Аслиддин Болиқулов «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форумининг «2010 йил учун педагогик грантлар дастури»да иштирок этиб, голиб бўлди.

● 2010 йилдан бошлаб вилоят ҳокими буйруғига кўра, «Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси», «Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари» танловлари жорий қилинди. Бир йилда 2 марта 24 нафардан энг маҳоратли ўқитувчи ва синф раҳбари вилоят ҳокимлиги томонидан 6 ой давомида энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдоридан рағбатлантириб бориладиган бўлди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

● Гулистон санъат коллежи талабаси Севара Қосимова «Нафосат — бўстони менинг» анъанавий VI республика кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади.

● Гулистон шаҳридаги 2-педагогика коллежи талабаси Холида Олимжонова «Келажак овози-2009» республика кўрик-танловида «Ишлаб чиқаришни бошқариш» йўналиши бўйича голиб бўлди.

● Гулистон қурилиш коллежи ўқувчиси Ҳаёт Аширов Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда «Жеткундо» бўйича 1-ўринни эгаллади.

● Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси Дмитрий Ли Байконур шаҳрида ўтказилган ракетамодель бўйича очик жаҳон чемпионатида 1-ўринни қўлга киритди.

● Бёвут енгил sanoat касб-хунар коллежи ўқувчиси Баҳром Исмоилов «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан 2-ўринни қўлга киритди.

● Бёвут енгил sanoat касб-хунар коллежи ўқувчиси Жасур



Ўрта махсус, касб-хунар таълими

бек Баҳромов Қозоғистонда ўтказилган «Буюк ипак йўли» халқаро олимпиадасида математика фани бўйича кумуш медал соҳибдори бўлди.

● Мирзаобод гидромелиорация коллежи ўқувчиси Жавлон Қулжонов «Касб маҳорати» танловида «Гидромелиорация» йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллади.

● Бёвут енгил sanoat касб-хунар коллежи ўқувчиси Муқаддас Жўраева 2010 йилда ўтказилган республика фанлар олимпиадасида тарих фанидан, Пахтаобод қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Баҳром Исмоилов «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан 2-ўринни қўлга киритди.

● **Истиқлол йилларида** Гулистон давлат университетининг талабаларидан 1 нафари Зулфия номидаги давлат мукофотини, 2 нафари Президент Давлат стипендиясини, 44 нафари Алишер Навоий, Беруний номидаги Давлат стипендиялари ва бошқа нуфузли стипендияларни қўлга киритди.

● 14 нафар талаба «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форумининг «Келажак овози» кўрик-танлови голиби бўлди, 67 нафари эса хорижий давлатларда таҳсил олиб қайтди.

● Сўнгги 3 йил давомида 10 нафардан ортиқ талаба республика фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни олишди.

● Мустақиллик йиллари-



Олий таълим

● «Умид ниҳоллари-2009» спорт мусобақалари финал босқичида Сирдарё вилояти терма жамоаси фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

● Курбонбоева 2010 йили Зулфия номидаги давлат мукофотига ҳам сазовор бўлди.

● 2010 йилда вилоятдаги 17 ёшгача бўлган спортчилар орасидан республика, Осиё, Жаҳон биринчиликларида иштирок этганлар сони 150 нафардан зиёддир.

● Шахмат бўйича 10 карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати совриндори Сарвиноз Курбонбоева июнь ойида Хитойнинг Пекин шаҳрида 32 давлат вакиллари иштирок этган Осиё биринчилигида ҳам фахрли ўринни қўлга киритди.

● Вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Эрнест Османов велопоёғи бўйича Ўзбеки-

да 4та докторлик, 30та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

● **Университетда 4та йўналиш — органик кимё, умумий деҳқончилик, ўзбек тилшунослиги, ўқитиш назарияси ва услубиёти бўйича аспирантура фаолият кўрсата бошла-**

ди. Университетда «Фан ва технологиялар маркази»нинг Давлат илмий-техника дастурлари асосида маблағ билан таъминланган 7та лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди, 20дан ортиқ ихтироларга патент олинди.

● Университет 2010 йилда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари қишлоқ хўжалиги университетлари билан ҳамкорликда тузилган шартномага аъзо бўлди.

● «Универсиада-2010» мусобақаларида университет терма жамоаси 1та олтин, 4та кумуш ва 7та бронза медалини қўлга киритди.

● Белбоғли кураш бўйича Бухорода ўтказилган республика биринчилигида Бёвутдаги 36-мактаб ўқувчилари Моҳира Ёриева, Шамсиддин Эгамбердиев, 2-мактаб ўқувчиси Олим Турсунов олтин медални қўлга киритди. Шу йили сирдарёлик ўқувчилар турнирдан 12та медаль билан қайтишди.

● Сирдарё тумани 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Екатерина Коваленко енгил атлетика (баландликка сакраш) бўйича Ўзбекистон биринчилигида 2-ўринни эгаллади.

● Сайхунобод туманидаги 41-мактаб ўқувчиси Самандар Калонов Польшанинг Милава шаҳрида ўтказилган мусобақада шашка бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

● Сайхунобод туманидаги 29-мактаб ўқувчилари Шаҳноза Турсунмуродова, Васфия Бердикулова шашка бўйича Ўзбекистон биринчилигида 21 нафар чемпионлари бўлди.



Болалар спорти

2010

Вилоятдаги жами мактаблар сони — 303та. Шундан: янги қурилганлари — 8та; капитал реконструкция қилинганлари — 93та; капитал таъмирланганлари — 110та; жорий таъмирланганлари — 92та.

Мактабларнинг моддий-техник базаси: дарсликлар таъминоти — 98,7 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 79,5 фоиз; компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — 52,5 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 74,8 фоиз.

Вилоятдаги болалар спорти объектлари: спорт залига эга мактаблар сони — 260та; болалар спорти объектлари сони — 45та; болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 100 фоиз; ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — 32,7 фоиз.

Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 14та. Шундан: замонавий типдаги — 3та; мослаштирилган — 11та (2010—2014 йиллар давомида мавжуд мактаб бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади).

Вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-хунар коллежлари) сони — 52та. Шундан: замонавий типдаги — 52та; мослаштирилганлари — йўқ. Академик лицейлар сони — 4та. Касб-хунар коллежлари сони — 48та.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари моддий-техник базаси: ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 84 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 91,3 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 258та.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги: педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 3102 нафар. Шундан: фан докторлари — 2 нафар; фан номзодлари — 23 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 2632 нафар.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 73та.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 40965 нафар.

■ **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 1та. Гулистон давлат университети.

ОЎЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 100 фоиз. Компьютер билан таъминланганлиги — 660 дон.

Профессор-ўқитувчилар — 345 нафар. Шундан: профессорлар — 27 нафар; фан докторлари — 21 нафар; фан номзодлари — 107 нафар; аспирантлар — 21 нафар. Талабаларнинг умумий сони — 4315 нафар. Мутахассисликларнинг умумий сони — 21та.

Ilm-fan taraqqiyotining hozirgi bosqichida zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim tizimiga kirib borishi, ulardan amaliyotda foydalanish dars samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.

Fizika darslarida kompyuter dasturlaridan foydalanish o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishlari ortishiga, masalalar yechishda vaqtdan yutishga, uyga vazifalarni tayyorlashda yangilik yaratishga olib keladi. Hozirgi vaqtda 20dan ortiq EHM dasturlari bo'lib, ulardan fizika darslarini o'tishda keng foydalanilmoqda. Bu dasturlar quyidag'icha klassifikatsiyalanadi:

1. O'rgatuvchi dasturlar o'quvchining mavzuni yangi texnologiyalar yordamida o'zlashtirishiga, o'z-o'zini tekshirishiga va imtihon qilib ko'rishiga yordam beradi. Dasturlar asosan ikki xil, *axborotlarni so'rash, axborotlarni nazorat qilish* tartibi bo'yicha o'qitiladi.

Birinchi hol(axborotlarni so'rash)da ma'lumotlar bazasi bilan yaqindan tanishish, audio-video yozuvlardan keng foydalanish, darslikdagi ko'rgazmalik qurollardan bevosita kompyuterda foydalanish imkoniyati mavjud. **Ikkinchi hol**(axborotlarni nazorat qilish)da esa o'quvchi o'z bilimini masofadan turib, kompyuter yordamida testdan o'tkazishi mumkin.

2. Kompyuterda modellashtirish. O'quvchining bilim, ko'nikma va malakani ongli ravishda o'zlashtirishida, mavzularni ketma-

chining o'zi yaratgan shakllardan foydalanishi ko'proq ahamiyatga ega bo'ladi.

3. Laboratoriya ishlarini kompyuter vositasida ko'rgazmalik ravishda va

umumiy holati ko'rsatiladi. Bu to'plam qiyin va murakkab masalalardan tashkil topgan bo'lishi mumkin.

5. Nazorat qiluvchi dasturlar yordamida

Xalq ta'limi vazirligiga qarashli multimedia markazi tomonidan fizika fani bo'yicha ishlab chiqilayotgan elektron darsliklarda gravitatsion kuchlar, elektrostatika, magnit maydoni, harakatga doir bir qancha mavzular kiritilgan va namoyish qilish imkoniyati mavjud.

1. Fizikadan repetitor. Multimedialardan tashkil topgan bu elektron o'quv resurslarida maktab fizika kursiga tegishli barcha ma'lumotlar animatsiyalashtirilgan. Fizik qonunlarning modellari, videomateriallar, fizik tajribalar, testlar, masalalar to'plami, jadval va formulalar shular jumlasidan.

2. "Fizika rasmlarda" ("Fizika v kartinkax"). Fizikadan ma'lumotlar bazasi, eksperimentlar tasviri, formulalar va fizik kattaliklarning jadvalidan iborat. Bu elektron resurslardan ham o'qituvchilar fizika darslarida qo'shimcha metodik yordam sifatida foydalanmoqda.

Uch tomonlama, ya'ni **o'qituvchi, o'quvchi va kompyuterning** birgalikdagi faoliyati natijasida o'quv jarayonida fikr almashish imkoniyati tug'iladi, o'quvchilarga bilim olishning turli ko'rinishlari o'rgatiladi, bilim olish jarayoni takomillashadi. Shuningdek, o'quvchilarning yangi materiallarni o'zlashtirishlari osonlashadi.

G.USMONOVA,
Respublika ta'lim markazi
Ixtisoslashgan ta'lim bo'limi
boshlig'i

FIZIKADAN KOMPYUTER DASTURLARI

ket o'rganishida texnologiyaning qulay usullaridan foydalanishning yangi qirralarini ochish katta imkoniyatdir. Modellashtirish darslari davomida o'quv-

yuqori sifatda ko'rsatish bolada zavq-shavq uyg'otadi.

4. Masalalar to'plami. O'quvchilarga kompyuterda masalalar yechishning

o'quvchi o'zining joriy va oraliq baholarini yil davomida ko'rib borish va taqqoslash imkoniyatiga egadir.

O'zbekiston Respublikasi

o'quvchining qiziqishini oshirib, vaqtini tejaydi



Sinab ko'ring


LABORATORIYA ISHI

Amaldagi "O'rta-maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari xodimlari mehnatiga haq to'lash to'g'risida"gi Nizom o'qituvchi-murabbiylar zimmasiga qator mas'uliyatli vazifalarni yukladi. Endi u ijodiy izlanib ishlashi, ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligi va sifatini oshirishda hissa qo'sha olishi zarur. Shu ma'noda men ham o'quvchilarning kasbiy ko'nikmalarini shakllantirish, kasb mahorati va malakasini oshirish, o'quv yuklama va auditoriyadan tashqari pedagogik yuklama ishlarini bajarishga, har bir darsni noan'anaviy, ko'rgazmalik tajribalar asosida tashkil etishga harakat qilayotirman.

Ko'rgazmalik tajribaning ahamiyati shundaki, u o'quvchilarga fizika fanining qoida va qonuniyatlarini eng sodda tilda tushuntiradi. Qolaversa, ko'rgazmalilik usulidan foydalanish dars samaradorligini oshiradi. Bunda o'qituvchining har bir mavzuga ijodiy yondashishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Masalan, Boyl-Mariot qonunini tushuntirishda o'qituvchi oddiy ko'rgazma asbob yasashi va tajriba ko'rsatishi mumkin. "Rezina parda qoplangan porshenli naycha" yasama asbobini 10 ml.lik shprits va rezina sharchadan yasash mumkin. Buning uchun 10 ml.lik (1) shpritsning nina qo'yiladigan tomoni tekis qirg'iladi. Shprits porsheni (2) o'rtaga 5ml. shkalaga keltirilib, qirg'ilgan tomoni

yupqa rezina parda (3) bilan qoplanadi. Yupqa rezina pardani qoplashda g'altak ipdan foydalaniladi.




1. Tajriba: "Rezina pardali naycha" yasama asbob yuqoridagi holatda o'quvchilarga namoyish qilinadi. Keyin porshen o'ng tomonga harakatlantirilib, b rasmdagi holat ko'rsatiladi.

1-savol: — Nima uchun rezina parda tashqariga bo'rtib chiqdi?

Javob: — Porshen tagidagi gaz bosimi ortdi.

bilimni mustahkamlaydi



2-savol: — Gaz bosimi nima uchun ortdi?

Javob: — Gazning hajmi kamaydi.


3-savol: — Gaz hajmi kamayganda bosim ortishiga sabab nima?

Javob: — Gaz atom va molekulari zichlashdi.

4-savol: — Nima uchun gaz atom va molekulari zichlashganda bosim ortdi?

Javob: — Rezina pardaga urilayotgan atom va molekular turtkisi ko'paydi.

2. Tajriba: "Rezina pardali-porshenli naycha" a rasmdagi holatdan s rasmdagi holatga o'tkaziladi. Ya'ni porshen chap tomonga harakatlantiriladi.



1-savol: — Rezina parda nima uchun ichkariga tortildi?

Javob: — Porshen tagidagi gaz bosimi kamaydi.

2-savol: — Gaz bosimi nima sababdan kamaydi?

Javob: — Gazning hajmi kattalashdi.

3-savol: — Gaz hajmi kattalashganda bosim nima uchun kamaydi?

Javob: — Porshen tagidagi gaz atom va molekulari siyraklashdi.

4-savol: — Gaz atom va molekulari siyraklashganda nima uchun kamaydi?

Javob: — Shprits ichidagi devorlarga urilayotgan atom va molekular turtkisi kamayadi.

Ikkala tajribadan ham porshen tagidagi gazning massasi o'zgargani yo'q. Tajriba davomida harorati ham o'zgarmaydi. O'quvchilar xulosa qilishib, gaz qonunini ixtiro qilishdi. Demak, gazning massasi o'zgarmaganda, harorati o'zgarmaganda bosim ortsa, hajm kamayadi, hajm ortsa, bosim kamayadi. Bu esa Boyl-Mariot qonuni edi.

$m = \text{const}, T = \text{const}$ da $PV = \text{const}$ bo'ladi.

Abdurashid QODIROV,
Qumqo'rg'on yengil sanoat
kasb-hunar kollejining oliy
toifali fizika fani o'qituvchisi,
Xalq ta'limi a'lochisi

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва АРМларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда бу борада Сурхондарё вилоятидаги Термизий номидаги ахборот-кутубхона маркази ҳамда халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги вилоят, шаҳар, туман АРМларида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қароридан кейин вилоятда кутубхона тармоғини такомиллаштириш учун минтақавий идоралараро кенгаш ташкил этилди. Шу билан бирга нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш бўйича вилоятда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди ва тажрибалар орттирилди.

Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 1та вилоят, 15та шаҳар ва туман, 70та мактаб АРМлари, 780та таълим муассасалари кутубхоналари аҳолига, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларга ахборот кутубхона хизмати кўрсатиб келмоқда.

Кутубхоналараро ягона ахборот маконини яратишда минтақавий шаҳар ва туман кутубхоналари билан мувофиқлаштирувчи алоқаларни йўлга қўйиш, идоралараро муносабатларни тартибга солиш муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бундан фойдаланувчиларга тезкор ахборот тақдим этиш, уюшган ҳолда фаолият олиб бориш мақсади кўзланган. Шу нуқтаи назардан, вилоят халқ таълими бо-

АРМда МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

ҳамкорлик ва истиқболга қанот бўлмоқда

шқармаси тизимидаги АРМлар ва кутубхоналар ишини мувофиқлаштириш бўйича услубий тизим ташкил этилган. Вилоят АРМ қошида 2007 йилдан буён шаҳар, туман АРМлари фаолиятини муво-

ҳадаги илғор иш тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида ўқув услубий кенгаш ҳам ташкил этилган.

Жойлардаги шаҳар, туман ва мактаб АРМлари маҳаллий бюд-

ўқувчиларга ноаънавий усулда очик дарслар ўтишда катта аҳамиятга эга бўляпти. Ушбу тажрибалар ҳозирги кунда вилоятнинг барча туманларидаги АРМлар фаолиятига жорий этилиб бориляпти.

Амалда қўлланиб келинаётган ушбу ўзаро ҳамкорлик фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, китобхонларнинг талабларини тезкор равишда бажариб, уларни зарур бўлган ахборот билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.


Соҳа ходимларининг билим ва малакаларини оширишда услубий қўлланимлар билан таъминланганлик ҳам катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда вилоят АРМнинг илмий-услубий бўлими томонидан йил давомида турли йўналишларга оид тажрибалар ёритилиб, китобхонлар орасида оммавий тадбирлар ташкил этишга доир услубий тавсия ва қўлланимлар ишлаб чиқилаяпти. Жойлардаги таълим муассасалари кутубхоналари ишини такомиллаштиришга доир услубий қўлланимлар тайёрлаш борасида, айниқса, Қумқўрғон туман АРМда олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Улар томонидан ходимларга ёрдам тариқасида тайёрланаётган қўлланимлар билан биргаликда ёзувчи ва шоирлар юбилейлари муносабати билан уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритиб берадиган асарлар асосида мавзули кечалар, китобхонлар конференциялари ўтказишда қўл келадиган сценарийлар ҳам тайёрланмоқда.

Хуллас, АКМлар билан АРМларнинг ўзаро ҳамкорлигини мунтазам йўлга қўйиш ва такомиллаштириб бориш ёш авлоднинг етук инсонлар қилиб тарбиялашда улкан аҳамият касб этади.

Х. ТУРАҚУЛОВ,
Сурхондарё вилоят АРМ директори

Tajriba

ликлари асосида маълумотларнинг электрон базаси яратилиб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мультимедиялар CD дискларга кўчирилиб, ўқувчи-ёшларга намоиш этиб борилмоқда. Айниқса, бу борадаги ишлар Бойсун туман АРМда яхши йўлга қўйилган. Бойсун туман АРМ ходимлари томонидан ҳар бир фанга доир тайёрланаётган слайдлар



ҲАР ҒУШАНГ БИР ТАРИХ, ЖОНАЖОН ЎЛКАМ

Ўтмиши неча-неча минг йилларга боғланиб кетган юртимизнинг ўзига хос босиб ўтган йўли, тарихи бор. Мозийга назар ташламоқ бўлсак, ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, овулу қўрғон, ҳатто биз ҳар куни босиб ўтадиган йўлу далалар, қир-адирларнинг бир-бирига ўхшамас, лекин халқимизнинг кўрган кечирганлари билан уйғунлашиб кетган «ўз умри» бор. Келажак эса ана шу олис ўтган кунлардан бошланади. Ёш авлод таълим-тарбиясида тарихни ўрганиш, унга ҳурмат билан қараш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди. Бу тарих фақат ўқув қўлланимлари-ю турли илмий адабий манбалардаги

Mustaqilligimizning 19 yilligiga

маълумотлар, битиклардан иборат эмас. Тарих ҳар биримиз яшаб турган ҳудуд бағрида, отабоболаримизнинг хотиралари-ю ҳикояларида ҳам мужассам. Уларни тиклаш, жамлаш ва халқимизнинг маънавий меросига айлантarmoқ масаласи бугуннинг долзарб вазифалари қаторига кўтарилган, десак хато бўлмас.

Навбахор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида бу борада ибратли ишлар амалга оширилди. Илм маскани директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нормамат Хидировнинг муассасада тарих-ўлкашунослик бурчагини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси жамоа аҳли томонидан илиқ қарши олиниб, маъмурият буйруғи билан махсус хоналар ажратилди.


Яхши ният билан бошланган ишни барча навбахорликлар бирдек қўллаб-қувватлади. Марказ ходимлари дастлаб яқин атрофдаги хонадонларда бир-бир бўлиб, нуронийлар билан суҳбатлашишди. Тарихий шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари, қишлоқларнинг биринчи ўқитувчилари, мактаб раҳбарлари, уларнинг эзгу амалларига дахлдор маълумотлар, фотолавларни йиғиб альбомлар тайёрлашди. Айни пайтда сақланиб келинаётган қадимий жиҳозлар, уй ва рўзғор буюмлари, меҳнат қуролилари, турли услубларда тикилган каштачилик, зардўзлик намуналари тўпланди.

— Эгам бобо Равшанов оиласи аъзоларининг хонадонларидаги мисдан маҳорат билан ясалган лаган, кўза, челақларини бурчак учун келтириб топширганлари бизни жуда қувонтирди, — дейди Мансур Алиев. — Бу қимматбаҳо ҳадялар музейимизда қадимий ўзбек хонадонининг жиҳозланиши акс эттирилган бурчакни жиҳозлашимизга замин яратди. Кўриниб турибдики, халқимиз учун тарих муқаддас, унинг давомийлигини сақлаб қолишдан улар ҳам маънавий манфаатдор.

Бурчакни кузатган киши Қалқонота, Учтут, Сармишсой, Вовуш, Ўртасой, Жиллибулоқ, Кулоқота каби кўплаб тарихий ёдгорликларимиз, зиёратгоҳлар, шунингдек, қадимий қишлоқлар, турли иншоотлар, дастлабки мактаблар, шифохоналар, маъмурий-маданий идоралар, аждодларимизнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, кийиниши, қадриятлари ҳақида ҳам атрофлича маълумотга эга бўлади.

Аҳил жамоа улуг Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида ҳудудларининг ўтмишидан ҳикоя этгучи, ўқувчи-ёшларни миллий гуруҳ, ватанпарварлик туйғуларига ошно этгучи ана шундай бурчак ташкил этишди. Бу борада айниқса, АРМ ходимлари Махфират Қозоқова, Ибодат Рўзиева, ўқитувчилар Нажмидин Темиров, Абдурасул Отақуловнинг хизмати катта бўлди. Ташкилотчиларнинг нияти — бурчакни янада кенгайтириб уни асрий анъаналаримизни авлодлардан авлодларга етказиб турувчи масканга айлантириш.

О. МУРОДУЛЛАЕВА



фиқлаштириш бўйича Кенгаш фаолият юритиб келмоқда. Унинг йиллик режасига асосан ҳар чоракда жойлардаги АРМларда амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилиб, уларни ижобий ҳал этиш юзасидан ишлар олиб борилади. Кенгаш қошида АРМларда ишлаётган ходимларнинг билими ва малакаларини янада бойитиб бориш, со-

жет маблағлари ҳамда Республика Халқ таълими вазирлиги ва Осиё тараққиёт банкининг ҳамкорликдаги лойиҳаси доирасида замонавий компьютерлар, нусха кўчириш ва кўпайтириш воситалари, телевизор, DVD, проектор техникалари билан таъминланган. Шу билан биргаликда мавжуд компьютерларда электрон китоб ва дарсликлар ҳамда Ziyonet янги-

Бу давлатни кўпчилик ўтмишдаги ва бугунги донгдор футболчилари — Пеле, Гарринча, Ривалдо, Роналдо ва Роналдиньо...лар орқали танишади. Уни кимдир каучук, кимдир кофе ватани сифатида кўрсатади. Бироқ мен ушбу мамлакатни илк бор бутунлай бошқа тимсоли туфайли билганман. Бу хазина — ирмоқлари бутун мамлакат бўйлаб бамисоли дарахт илдизидек тарқалиб кетган Амазонка (португалча "Amazonas" сўзидан олинган) дарёси эди.

Жанубий Америка қитъасидаги энг йирик дарёнинг жаҳонда ҳам рад этиб бўлмас даражада ўрни бор. У сайёрамиздаги энг сersув дарё ҳисобланади. Унинг энг йирик ирмоқлари айрим бошқа дарёлардан-да каттароқ ва узунроқ экани ҳайратланарлидир. Маҳаллий аҳолини неча минг йиллар мобайнида боқиб, кийинтириб келаётган сув ҳавзасини улар ҳурмат ва эҳтиром билан "Парана-Тинго" ҳамда "Парана-Гуасу" дея аташади. Бу жумлаларнинг маъноси "Оқ дарё" ва "Улкан дарё" демакдир.


Чиндан ҳам унинг умумий узунлиги 7000 километрдан ортиқроқ масофани ташкил этса, ирмоқлари "сочилган" сув ҳавзаси 7180 квадрат километрда ястаниб ётади. Амазонкани шоирона таърифласак, гўё у сунбул сочларини ёйганча ўз юлдузини излаётган санамни ёдга солади. Назаримда, кўнгли ва тафаккурини уйғунлаштириб, ҳарир

мисл, беминнат неъмат — оби ҳаёт билан таъминлаб келувчи дарё ниҳоят улкан уммонга айланади — Атлантика океанига қўшилиб кетади.

Ҳиндуларнинг муқаддас хилқатларидан бири бўлган Амазонка мураккаб ва ўзига хос ҳаёт тарзига эга. У йил мобайнида тўлиб-тошиб оқади. Яримшарнинг ўнг томонида ястанган дарё ирмоқлари ва қирғоқларини ёмғир октябрдан то мартгача сийлаб турса, чап яримшардаги ирмоқлар апрелдан октябрга қадар осмондан ёғилгувчи шаффоф томчилар

сайёҳ Висенте Яньес Пинсон топган. У кашфиётини ўзича номлашга ҳам улгурганди: "Rio Santa Maria de la Mar Dulce", яъни "чучук денгизнинг Авлиё Мария дарёси". Дарё бўйлаб амалга оширилган дастлабки саёҳат 1541 йилга тўғри келаркан. Уни испаниялик истилочи Франсиско де Орельяна номи билан боғлашади.

Маълумотларда айтилишича, 1542 йилнинг ёз ойида Франсисконинг қўшини Амазонка дарёсида сузиб ке-



Tabiat va inson

турдаги гул, 750 турдаги дарахт, 125 турдаги сутэмизувчи ва 400 турдаги қушларни учратиш мумкинлиги ям-яшил, нам ва қоронғу флоранинг сирлилигини оширади. Ҳашароту курт-кумурсқалар ҳамда умуртқасизларнинг тури шу қадар кўпки, уларни санаб адо қилолмасиз. У ерда ҳалигача ҳеч бир илмий манбада кўрсатилмаган жониворлар ҳам умргузаронлик қилиши, олимлар томонидан кўп бора айтилган.

Фазодан туриб нигоҳ ташланганда, Амазонка ҳавзасида дунёдаги энг улкан тропик ўрмон зумраддек кўзни қамаштириб туради. У ерда илк мартаба 1799—1804 йилларда Александр

ҚУЁШ

манзара тийнатили илғай оладиган рассомлар ҳам Амазонкани мўйқалам орқали шу йўсинда ифодалаган бўларди...

Амазонкани ташкил этувчи, тўйинтирувчи узунлиги 1500—3000 километрдан ортиқроқ бўлган йигирмадан зиёд жилғалар аниқланган: ўнг томонда — Жура, Пурус, Мадейра, Тапажос, Шингу, Токантинс; чапда — Иса, Жапура, Риу-Негру ва ҳоказо. Уларнинг орасида энг йириклар — Мараньон ва Укаяли ирмоқлари саналади. Перу давлати ҳудудига қарашли Фарбий Кордильера тоғ тизмасининг шарқий ёнбағирларидан бошланувчи Мараньон ирмоғининг узунлиги 6437 километр. У йигирманчи аср охирида қайтадан тўлиқ тадқиқ этилди ва дарёбоши Апахет тоғидан бошланиши маълум бўлди. Шунда унинг умумий узунлиги тахминан 7000 километргача чўзилган бўлиб чиқади. Укаялининг узунлиги эса 7000 километрдан ҳам зиёдроқ экан.

Бу янги маълумотлар Амазонка Ер шаридаги энг сersув дарёгига эмас, балки энг узун ҳам эканини тасдиқлайди. Боиси шу вақтгача Африка қитъасига тегишли Нил дарёси энг давомли дарё дея эътироф этиларди. Унинг умумий узунлиги 6670 километр. Бугун ўз-ўзидан Парана-Тинго жаҳондаги биринчи рақамли дарёга айланди. Амазонканинг ҳақиқатан ҳам узунроқ эканлиги яқин ўтган кунларда АҚШнинг халқаро НАСА ташкилоти томонидан ўтказилган самовий тадқиқотлар пайтида исботлаб берилди.

Бразилияликлар Амазонка билан беҳад фахрланади, улар учун у шунчаки сув ўзанларини бирлаштирган кучли оқим эмас, балки том маънодаги бойлик, дуру инжулар оқаётган очиқ хазинадир. Дарёнинг жуда катта қисми Бразилия ўрмонзорлари орасидан оқиб ўтади. Унгача қисман Боливия, Перу, Эквадор ҳамда Колумбия мамлакатлари ҳудудидаги неча манзилларни бе-

АМАЗОНКА СОҒИНИЧИ



"рақс"идан баҳраманд бўлади. Иккисини умумийлаштириб айтиш мумкинки, Амазонка йил бўйи ёмғир остида гоҳ мавжланиб, гоҳ сокин оқади...

Албатта, фбутун йил давомида дарё бир маромда оқмайди. Масалан, жанубдаги жилғалар энг сersув ўзанлар саналади, улар майдан июль ойига қадар ҳайқириб, қирғоқларни ўпириб оқса, август ва сентябрь ойларида шаштидан қайтади. Дарёни энг тўлиб-тошган вақтида максимал даражада бир сония ичида уч юз минг куб метр сув йўқларкан. Бундай ҳайбат дарёнинг қуйилиш жойига яқинлашгани сайин камая боради. Лекин катта-кичик ирмоқлар бирлашиб, бутун бошли Амазонкани ҳосил қилган чоғдаги ваҳимали оқимни фақатгина томоша қилибгина ҳис этиш, идрок қилиш мумкин, дейди географлар. Қуюшқонидан чиққан асов отдек кўкка сапчиб оқувчи дарё 4-5 метр юқорига отилади ва қайтиб ерга тушаётганда қирғоққа "чанг солади". Айнан ушбу ҳолат ҳиндулар тилида "амазуну" дейилар экан. Бу сўз айрим мутахассисларнинг фикрича, дарё номига асос бўлган экан.

Амазонка этагини(қуйилиш жойи)ни биринчи бўлиб 1500 йили испаниялик

таётиб, маҳаллий жангари халқ — амазонларга дуч келиб қолишади. Ўртада аёвсиз жанг бошланади ва натижада яхши қуролланган испан қўшинлари исёнчиларни қириб ташлайди. Жангда музаффар чикқан де Орельяна дарёга ўз исмини қўймоқчи бўлади, ammo негадир бу фикрдан тез қайтади.

...Биринчи илмий мақсадда қилинган сайр эса 1743-44 йилларга бориб тақалади. Француз тадқиқотчиси Кондамин дарёнинг бошланғич синоатини ўрганишга аҳд қилганди. Бугунги даврда Амазонка тўғрисида сизу биз билган маълумотларнинг аксарияти 1955 йили немис ва перулик олимлар уюштирган қўшма экспедиция тақдим этган қимматли маълумотлардир.

Ҳар йили Амазонка дарёсида сузиб, унинг бетакрор табиатини кузатиш учун минглаб сайёҳлар Бразилияга ташир буюради. Дарёда туғилиб, дарёда катта бўлган маҳаллий аҳоли ҳамроҳлигида қайиққа омонатгина ўтириб, туристлар чинакам "яшил олам" гўзалликларидан баҳраманд бўлади. Амазонка ҳавзаси ҳайвонот борасида ҳам, наботот борасида ҳам жанубий америкаликлар мақтанса арзигулик даражада бой.

Дарё жилғалари ва қўлларида виктория-регия (Victoria regia) деб номланган шапалоқ баргли ноёб ўсимлик — нилуфар гули кенг тарқалган. Унинг барглари шу қадар бақувватки, "кўприк" сифатида ёки қайиқ ўрнида фойдаланиш мумкин. Сутэмизувчилардан ламантин, денгиз дельфини — иния ва нутрияни учратиш мумкин. Дарёнинг тип-тиниқ сувини аллалаб у ёқдан бу ёққа шўх-шўх сузувчи балиқларнинг сон-саногий йўқ. Мутахассисларнинг айтишича, Амазонкада жами 2000дан ортиқ балиқ тури мавжуд экан. Бу Ер юзидаги чучук сувга хос улкан фаунанинг учдан бир қисми, деганидир.

Арапайма балиқлари энг кўп овланадиган сузувчилар сирасига кирса, пирайа балиқлари ёввойи саналади. Шунингдек, Амазонка ўзанида думингичка, япалоқ балиқ — скат, илон-балиқ ва илону тимсоҳларни учратиш табиий. Игнабаргли бўйчан дарахтларидан тортиб, дунёнинг бошқа бирор ерида учратиб бўлмайдиган қушларигача Амазонканинг ўзгача бир оламидан далолат.

Амазонка ҳавзасидаги 10 квадрат километрдаги тропик ўрмонда 1500

фон Гумбольдт саёҳат қилган ва ўрмонни грекча "гилестон" сўзидан олинган "гиле" дея атаганди. Экватор чизиги устида қад ростлаган ўрмон иқлими фаройиб: бутун йил давомида 25—28 даража илиқ бўлади. Ҳатто кечқурун ҳам 20 градусдан пастга тушмайди. Ёгингарчилик пайтида ҳам бу кўрсаткичлар ўзгармайди. Бинобарин, тропик ўрмонларни мунтазам равишда ёмғир ювиб туради. Бу жойларга йилга 2000—4000 мм. миқдорда ёмғир ёғади, баъзан бундан ҳам кўп бўлиши ҳеч гапмас. Флора ва фауна куёшнинг заррин нуруларига тўймайди. Бутун Амазонка куёшни йил бўйи соғиниб яшайди. Ваҳоланки, бу дарё куёш нақ тўқсон градус бурчак остида тикка келувчи экватор чизигини бир неча бор кесиб ўтган ягона дарё саналади. Мана, сизга табиатнинг яна бир парадокси.

Бу ерда алоҳида вазифага эга лиана (асосан тропик ва субтропик ўрмонларда ўсадиган чирмовуқ) ўсимлиги ўсади. У дарахтларни, ўсимликларни чирмаб 100 метргача бўй чўзади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, айнан мана шу арзимас ва бегона ўтдек кўзга ташланувчи чирмовуқлар умумамазонка яшиллигини таъминлаб тураркан! Улар ўзларидан ажралиб чикувчи суюқлик орқали дарахтларнинг чангланishi, гуллаши, мева туғишига ёрдам беради. Шу зайл дарахтлар гуркирайверади. Фаровон ҳаёт кечираётган дарахтлар эса Амазонка дарёси шўхлик қилиб, қирғоқларга қутку солганда, бақувват илдизларини ишга солиб, тупроқ эрозиясининг олдини олади, қирғоқларни кўчкилардан, ўпконлардан сақлайди. Қисқаси, тропик ўрмондаги ҳар бир гиёҳу ҳашаротнинг ўз вазифаси бор ва бу билан улар ўзаро чамбарчас боғланиб, бамисоли ягона занжирни ҳосил қилган.

Дарёда учрайдиган ажойиботлардан бири капибарадир. У дунёдаги энг йирик кемирувчи ҳисобланади. Вазни 50 килограммгача боради. Бир қараганда, у денгиз чўчқасини ёдга солади. Сувдан қуруқликка тез-тез қатнайди-ган "қирғоқ қоровули" — анаконда илонлари ҳақида эшитмаган инсон бўлмаса керак. Мазкур улкан судралиб юрувчилар — аждарлар ҳақида ҳатто бадий ва ҳужжатли фильмлар ҳам ишланган. Унинг ов қилиш хусусияти шу қадар ривожланганки, йирик жуссаси билан кайман тимсоҳларини




хам бўғиб ўлдиради ва чайнамасдан, бўлакмасдан ютиб юбораверади.

Тапир — қисқа хартумли сутэмизувчи ҳайвон, у ҳам Амазонканинг бойлигидир. Вазни 200 килограммдан ортиқ бўлишига қарамай, у сувда жуда чиройли суза олади. Тапир Амазонка ҳавзасидаги қуруқликда ҳам, сувда ҳам юрадиган, сув ўсимликлари, ўт-ўлан ва дарахт новдаларини истеъмол қиладиган ягона ҳайвондир.

Қуруқликда ва дарё қирғоқларида учрайдиган хавфли йиртқичлардан бири — мушуксимонлар оиласига мансуб ягуар маҳаллий аҳоли томонидан ҳам шундай ном («d'aguar») билан аталади (www.travels.md).

Бундан ташқари, яна юзлаб ажойиботлар борки, беихтиёр ҳайратдан ёқангизни ушлайсиз. Жумладан, тамбаки балиғи («tambaqui») сувга бошини эгиб турувчи каучук дарахти меваси ёки серуруғ қовунни истеъмол қилади. Яна протоптер балиқларни учратишини мумкин: улар балиқларнинг ҳам ўпка, ҳам жабраси орқали нафас олувчи Ердаги энг сўнгги тури. Дарвоқе, уларнинг оёқчалари ҳам бор. Бундай рўйхатни ҳали узоқ давом эттириш мумкин.



Худудни буткул айланиб чиқишининг деярли имкони йўқ, сабаби барча қирғоғу жилғалари бирлаштирилганда 25 минг километрлик дарё йўли ҳосил бўларкан. Шу вақтгача Амазонка бўйлаб энг узоқ ва олис масофа босган кишилар ҳам атиги 4300 километрни (Понго-де-Мансериче дарасигача) забт этишган, холос.

Амазонка сув ҳавзасидаги асосий бандаргоҳлар — Белен, Сантарен, Обидус, Манаус (Бразилия), Икитос (Перу) деб номланган. Турган гапки, Амазонка жуда ҳам катта кўламдаги энергия ишлаб чиқариш потенциалига эга. Олимларнинг билдиришича, дарёдан фойдаланиб, тахминан 280 миллион киловатт энергия ажратиш мумкин экан. Бу юксак кўрсаткич, бироқ ҳозирда дарёдан гидроэнергетика саноатида жуда ҳам кам фойдаланилаёпти...

Амазонканинг қуюқ ўрмонларида кейинги вақтда браконьерлар кўплаб учраёпти. Улар фақатгина дарё табиатига эмас, балки унга қўшиб дунё экологияси мувозанати ҳам салбий таъсир ўтказаяпти. Дарахтларнинг беаёв кесилиши Амазонка яшил олами учун улкан хавфдир. Ўтган асрнинг 70-йилларида ўрмонлар шу даражада кесилдики, оқибатда дарё суви қирғоқларни юшиб кета бошлади.

Амазонка ўзининг яқин-яқингача мавжуд бўлган айрим бетакрор бойликларини бутунлай йўқотишга улгургани ачинарлидир. Унинг экологик софлигини асраб қолиш мақсадида қатор халқаро ташкилотлар махсус дастурларга мувофиқ иш олиб бораёпти. Шундай бўлса-да, уни буткул назорат қилиш, асраб-авайлаш мушкул масала. Бугунга келиб мўйнаси учун овланадиган кундуз («Ptesonura brasiliensis»), энг қимматбаҳо мебеллар ишланадиган қизил дарахт («Rio Palenque») ва Бразилия палисандри аллақачон «Қизил китоб» тўридан жой олиб бўлди.

Зоҳиджон ХОЛОВ

МАРС ЯНА ХАЙРОН ҚОЛДИРДИ

Олимлар «Қизил сайёра» юзасида органик бирикмалар мавжудлигини аниқлашди, бундан аввал эса мазкур илмий тахмин рад этилганди, деб ёзади «Геофизик тадқиқотлар» журнали. Янги тадқиқот доирасида 1976 йили «Викинг-1» ва «Викинг-2» самовий аппаратлари томонидан Марсда амалга оширилган тажрибалар пайтида олинган тупроқ намуналари қайта таҳлил этилди. Яқунда эса халқаро олимлар гуруҳи тақдим этган хулоса кўпчиликни ҳайрон қолдирди, чунки жараёнда сайёра тупроғида органик бирикмалар борлигига далил топилди.

Тадқиқотчилар раҳбари, Мексика миллий университети профессори Рафаэль Наварро-Гонзалеснинг сўзларига кўра, ҳозирча ўтказилган тадқиқот натижалари сайёрада ҳаёт борлигига тўғридан-тўғри далил эмас. Лекин улар асосида Марсда қачонлардир ҳаёт бўлгани ёки келгусида бунинг учун имкон яралиши эҳтимоли мавжуд, деган тўхтамга келиш мумкин.

Олимнинг таъкидлашича, сўнгги ўн йиллар давомида АҚШнинг аэроавтика ва космик макон тадқиқотлари Миллий бошқармаси (НАСА) Марсдаги тадқиқотларни асосан сайёрада сув бор-йўқлигини аниқлашга қаратган. Бунинг натижасида, самовий жисмнинг деярли барча худудида сув бўлгани аниқланди. Шу сабаб эндиликда органик моддаларни излаш сайёрани ўрганиш борасидаги ишларнинг мақсадига айланмоғи даркор.



ТИББИЁТДАГИ ЯНГИ ЮТУК


Қуддус университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари инсон организмидagi иммунитет танқислиги вирусини даволашда салмоқли муваффақиятга эришганини маълум қилди. Уларнинг сўзларига қараганда, муолажанинг янги усули ёрдамида ОИТС билан зарарланган ҳужайраларни тўлиқ нобуд этишга имкон туғилди. Исроилик олимларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «ОИТС бўйича изланиш ва уни даволаш» («AIDS Research and Therapy») илмий нашрида чоп этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугун ушбу касалликни даволашда қўлланиладиган барча усуллар организмда вирус тарқалишининг олдини олиши мумкин эди холос. Янги метод билан эса касалликка батамом барҳам бериш мумкин.

— Маълумки, ОИТС вируси инсон танасига тушгач, ҳужайралар таркибига кириб, уларни зарарлай бошлайди. Ўз навбатида, зарарланган ҳужайралар ҳам вируснинг яна кўпайишига замин яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз мақсадли равишда зарарланган ҳужайраларнинг ўзини ҳам нобуд қилишга эътибор қаратдик, — дейди олимлардан бири Аарон Вебер.

Тадқиқотлар давомида зарарланган ҳужайраларни нобуд қилиш учун вируснинг ҳужайраларга кириш механизмидан фойдаланилган. Аниқроқ айтганда, махсус яратилган пептид(органик модда)лар ёрдамида мутахассислар тезкор суръатларда вирусни битта ҳужайра таркибига ўз ДНКсини нусхалашга «мажбур қилди». Бу ҳолат эса ўз навбатида ҳужайра апоптози, яъни ўзини-ўзи нобуд этишига олиб келди. Шу тариқа, вируснинг кенг тарқалиши олди ҳам олинар экан, чунки у организмдаги кўплаб ҳужайраларда эмас, балки маълум бир ҳужайра таркибига кўпайиши мумкин.

Мутахассислар янги муолажа усули фақат ОИТС вирусининг организмда тарқалиши олдини олувчи дори воситалари билан самарали эканини маълум қилишган. Эндиликда улар лаборатория тажрибаларидан вирус юктирилган ҳайвонларни даволаш орқали янги усулнинг самарасини амалда синаш тадқиқотларига ўтишни режалаштираёпти.



ЭНГ ЙИРИК ҚУШ

Палеонтологлар Руминияда улкан птеродактиль (птерозаврлар оиласига мансуб ҳавода учувчи рептилия) қолдиқларини топишга муваффақ бўлди. Олимларнинг айтишича, бу рептилия ҳозирга қадар аниқланган энг йирик учадиган судралувчи бўлиб, у мазкур худудда тахминан 70 миллион йил илгари умргузаронлик қилган экан. Шунингдек, изланиш пайтида унинг қанотлари қулочи 16 метрга етиши ҳам аниқланди, дейилади focus.ua манбасида.



Топилма Алба маъмурий худудининг Себеш қишлоғи атрофида аниқланган бўлиб, бу



ерда маълум муддатдан бери Бухарест университети ва АҚШ Табиий тарих музейи илмий ходимлари томонидан қазилма ишлари олиб борилаётгани. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, бундан биров муддат олдин худуддан фанга номаълум яна бир йиртқич — велоцираптор суяклари топилиб, унга Балаур бондок (Миқти аждар) номи берилганди.

— Аслида птеродактилнинг илк топилган қолдиқлари 2008 йилдаёқ топилганди, — дейди руминиялик палеонтолог олим Матей Времир. — Германия ва Буюк Британия мутахассислари билан уларни ўрганиб чиқдик, ҳозирда бу йўналишдаги тадқиқот натижаларини нашрга тайёрлаяпмиз.

Қолаверса, тадқиқотчининг сўзларига қараганда, сўнгги топилган рептилия ҳажман шу пайтга қадар энг катта деб ҳисобланган птерозаврдан ҳам ҳайбатлироқ. Шимолий Америка худудида аниқланган ва кецалькоатль номи берилган аввалги судралиб юрувчининг қанотлари 10 метрга яқин бўлган экан.


ЭНГ ИШОНЧЛИ НОУТБУКЛАР

Сўровлар асосида энг яхши ноутбук ишлаб чиқарувчи компаниялар номи аниқланди. Бу тадбир океанортида фаолият юритувчи «Рескьюком» («Rescuecom») ноутбукларга хизмат кўрсатиш компанияси ва «Текникс Соммент Нет» («Technics Comment Net») ижтимоий сўровлар ташкилоти томонидан ташкил этилди. Бу ҳақида «Инновасьюс» манбасида эълон қилинди.

Статистик маълумотларга қараганда, энг ишончли лэптопларни ишлаб чиқарувчи компания сифатида рейтингнинг энг юқори поғонасидан «Эйсус» («Asus») жой олди. Аниқланишича, ушбу фирманинг ноутбуклари бошқаларига нисбатан таъмирлаш устахоналарига камроқ келтирилган экан.

Иккинчи ўринга «Эппл» («Apple»), навбатдагисига эса «Леново» («Lenovo») муносиб топилган. Таъкидлаш зарурки, ушбу компаниялар ўтган йили ҳам энг сифатли ноутбук ишлаб чиқарувчилар рўйхатидан жой олганди. Фақат бу гал «Эппл» маҳсулотлари сифати янада ошгани боис у иккинчи ўринга кўтарилган.

Энг ишончсиз лэптоп ишлаб чиқарувчи компанияларга келсак, сўров натижаларига кўра, уларни «Делл» («Dell») ишлаб чиқаради. Рўйхатнинг энг охириги ўринларида, шунингдек, «Самсунг» («Samsung») ва «Эйсер» («Acer») компаниялари кўрсатилган.



ТОЗА ҲАВО САЛОҲИЯТНИ ОШИРАДИ

Соғлом ҳаёт кечиришни истаган ҳар бир инсон ўзининг кундалик иш ҳаракатлари рўйхатига тоза ҳавода сайр этишни ҳам киритиб қўйиши зарур экан. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, мазкур ҳаракат инсоннинг нафақат жисмонан соғлом бўлишини таъминлайди, балки унинг ақлий салоҳиятини ҳам оширишга туртки бўларкан. Мазкур хулосани океанортилик тадқиқотчилар тақдим этишди, деб маълум қилди kleo.com электрон саҳифаси.



Бош мия фаолиятини тадқиқ этиш пайтида Иллинойс университети нейрохирурглари сайр қилиш миянинг самарали ишлашига таъсир этишини аниқлашган.

Тадқиқот раҳбари Арт Крамернинг таъкидлашича, агар инсон ҳафтасига уч марта 40 дақиқа давомида тоза ҳавода сайр қилса, унинг интеллектуал салоҳияти ошар экан. Қизиги, бунда юриш тезлиги у даражада аҳамиятли эмас.

Бунинг сабабини эса олимлар қуйидагича изоҳламоқда: қисқа муддатли сайрлар бош миядаги барча қисмлар фаолиятини яхшилайди, чунки жараёнда инсон атроф оламдаги кўплаб ташқи таъсирларга эътибор қаратади. Энг қизиги, ўрта тезликда юриш мия қисмлари ўртасидаги алоқаларни яхшилайди, кексайиш жараёнларини секинлаштиради ва муайян бир фикрга келиш, тўғри хулоса чиқаришга кўмаклашар экан. Ушбу натижаларни таққослаш учун мутахассислар кам ҳаракатли ҳаёт тарзини кечирадиган 100 нафар кўнгилчиларнинг мияси тасвирларини солиштириб, ўрганишган. Яқунда улар хулосалари тўғри эканига яна бир карра амин бўлишди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Тарбия оиладан бошланади. Шарқ мутафаккирлари боланинг оиладаги тарбияси хусусида ўз асарларида жуда кўп тўхталганлар. Жумладан, Абу Али ибн Сино ёш болани яхши ахлоқли, жисмонан соғлом қилиб камол топтиришда шахсий намуна бўлиш усулини кўп уқтиради:

«Бола тарбиясида энг аввало оила ҳаётини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки оилада катта ёки кичик нарса бўлмайди. Ҳамма нарса, ҳатто, энг оддий бўлиб кўринган оилавий муносабатлар ҳам болага таъсир кўрсатади. Айниқса, ростгўйлик, самимийлик, садоқатли, ширинсухан бўлиш бола камолотидаги зарур ҳаётий воситалардан биридир».

Оилага баҳо берганда ундаги то-тувлик, хулқу одоб, фаровонлик, эр-хотин ва фарзандларнинг ўзаро муносабатларига эътибор қаратилиши табиий. Жамиятдаги ҳар қандай оила ота-она ва фарзанддан иборат уч устун устида тикланади. Ҳикматларда «Оиланинг қандайлигини билмоқ бўлсанг, тарбияланаётган болаларига боқ!» дейилган.

Бола ҳаётининг кўп қисми оилада ўтади. Фарзанд тарбиясининг асосида оиладаги инсоний муносабатларнинг қарор топиши ётади. Инсоннинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфаси оилада шаклланади. Бу ерда у турмушнинг барча шодликлари, гўзалликлари ва мураккабликлари билан танишиб боради. Мавжуд анъаналар, урф-одатлар ва маросимларни ўрганади. Оила шароитида болаларда ўзгаларга нисбатан ҳамдардлик, муруват туйғулари ҳам тарбияланади.

Умуман, ҳар қандай оиланинг муносабатлиги, оилавий тарбиянинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан оилада қарор топган ўзаро муносабатларга, уларнинг маънавий-ахлоқий иқлимига боғлиқ. Ҳадисларда айтилганидек, ота-оналарнинг фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси уларга ўргатадиган ахлоқи ва одобиридир.

Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри ёки фазилат, бахт ва камолот ҳақида» деб номланган асарида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон бошидан комил бўлиб туғилмайди, аммо туғма равишда ўзига хос ички шуурга эга

бўлади ва бу шуур билан босқич-ма-босқич комилликка жидду жаҳд билан интилади». Демак, соғлом турмуш тарзига ҳам жамиятдаги шахслар тарбияси орқали эришилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ота-оналарнинг оиладаги масъули-

ОИЛА - МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

ятини қуйидагича белгилаш мумкин:

— болага соғлом турмуш тарзи, илк ҳуқуқий, иқтисодий билимларни бериш, ахлоқ-одоб меъёрларига, тиббий-гигиеник талабларга риоя қилишни уқтириб бориш;

— қизиқишларига қараб бўш вақтни тўғри тақсимлашни ўргатиш;

— спорт билан шуғуллантириш, турли ҳаракатли ўйинлар, машқлар орқали болани чиниқтириш, уни экологик ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш;

— болаларнинг жинси, яъни қиз ёки ўғил болалигига қараб тарбияга хос алоҳида хусусиятларга эътибор қаратиш, суҳбатлар ташкил этиш;

— дунёвий ва диний билимлар-

ни эгаллашга жиддий эътибор бериш, боладаги ватанпарварлик туйғуларини ўстириш мақсадга мувофиқдир.

Оилада боланинг ички дунёсини ўрганиш, қайғу-аламларига, шодлигига шерик бўлиш тарбиянинг тўғри бўлишига хизмат қилади. Одатда, ўзбек хонадонларида оиланинг моддий таъминоти эркак зиммасида бўлади. Аммо оила жамғармасини тежамкорлик билан ўз ўрнида сарфлаш, исрофгарчиликка йўл қўймасдан оилада қут-баракка бўлишини таъминлаш аёлнинг вазифасидир. Она ўз фарзандларига ойлик маошини режали сар-

рини эгаллаш кабиларни оилавий суҳбатлар давомида тушунтириши зарур. Оиланинг ҳар бир аъзоси бор-йўққа қаноат қилишга ўрганиши лозим. Меҳнатга ҳалол ва тўғри ёндашиш, ўз касбини севиш ва у орқали топган даромадига қаноат қилиш ҳам оила мустақамлигини таъминлайди.

Компьютер — инсон тафаккури, ақл-идрокининг меваси, фаҳм-фаросати тўқис инсон учун жуда катта маърифий имконият майдони. Ахборот-коммуникацион технологиялар ривожланган ҳозирги замонда фарзандларимиз нотўғри хабарлар оқими таъсирига тушиб қолиши, интернет-кафелардаги турлитуман ўйинлар, ёшларига мос бўлмаган фильмлар томошаси улар онгида салбий ўзгаришлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Ҳоҳида ота-оналар болаларининг телефильмларга қаттиқ боғланиб қолганидан шикоят қилишади. Сабабини кўни-кўшнисидан, бегона болалардан, умуман, бошқа жойлардан излаб юришади. Агар бугунги кун болаларининг нигоҳлари телеэкранга муҳрланган бўлса, уларни асраб-авайлаш учун, энг аввало, ота-оналарнинг ўзлари ибрат кўрсата олсин. Бу муаммоларни, албатта, ота-оналар яна бир бор чуқур ўйлаб кўриб, тегишли хулосалар чиқарса, нур устига нур бўлар эди. Зеро, оила тарбия маскани бўлиб, шахснинг келажоғи шу масканда тарбиянинг қай тарзда амалга оширилишига, тарбиячи ҳисобланмиш ота-онанинг ўз бурч ва вазифаларига қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир.

Махфират ҚУРБОНОВА,
РТМ «Маънавий-маърифий ишлар» бўлими бошлиғи,

Тўрабой ХУДОЙКУЛОВ,
методист

Эндигина оламни англашга уринаётган болажонлар атрофидаги кишилардан, воқеликлардан ижобий ва салбий одатларни тез ўзлаштиради. Хусусан, кўпгина болаларда бармоқ сўриш, тирноқ чайнаш, кўзини тез-тез ишқалаш, ҳаддан зиёд уятчанлик каби салбий одатлар кузатилади. Айрим болаларнинг бир жойда ўтира олмаслик, бир маромда тебраниб туриш каби қилиқларига ҳам гувоҳ бўласиз.

Тўғри, бола улғайиш жараёнида буларга одатланиши табиий ҳол. Баъзи салбий одатлар бола ривожланиш даврининг маълум бир муддатида давом этиб, сўнг йўқолиб кетади. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолат барча болаларда ҳам бир маромда кечмаслиги мумкин экан. Ёмон кўникмалар кейинчалик болада иштаҳа йўқолиши, уйқусизлик, уйқудан чўчиб уйғониш, муҳими, улғайган сари мустақил фикрлашга нўнок, дарсларга безътибор, паршонхотир бўлиб вояга етишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Уятчан, одамови болалар боғчага борган тақдирда ҳам тарбиячилари ўргатган сабоқларни тўлиқ ўзлаштира олмайди, ҳатто дўстлари билан ҳам эркин ўйнаб юрмайди.

Салбий одатларни йўқотиш ёки уларнинг олдини олиш, аввало, ота-онага боғлиқ бўлиб, улар бола билан яқин муносабатда бўлиши, унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши лозим. Айниқса, ота-она боланинг интеллектуал салоҳияти ва қизиқишларини эъти-

баъзи болалар ўзига эътибор жалб қилинаётганини сезиб, одатини кўпроқ такрорлашга ҳаракат қилади.

Аслида бу каби одатларнинг болада пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас. Кўшнимнинг айтишича, уч ярим яшар қизи доимо йўталиб қўядиган одат

ёшдаги болалар сўргич ёки бармоқларини сўрмасдан уйқуга кета олишмайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, боладаги бу одатни йўқотишнинг энг оддий ва таъсирчан йўли онанинг бола уйқуга кетишига

Siz oilaga mas'ulsiz

бирон юмушларни топширишлари ҳам ижобий самара беради.

Бола оила аъзолари томонидан кўрсатилган меҳр, эътибор, ғамхўрликни сезса, бу каби ножоиз одатларга камроқ ўрганади. Ота-оналар ўртасида мунтазам бўлиб турадиган уруш-жанжал сабаб эътибордан четда қолган болаларда асабийлик, инжиқлик кўп учрайди. Улар тирноқ тишлаш, ўзининг ёки атрофдагиларнинг сочини юлиш орқали атроф-муҳитга, воқеликка ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилади. Баъзилар бунга болаларча инжиқлик, дея эътиборсиз бўлишади. Аммо бу ҳолатлар боланинг руҳиятидаги биз англамаган тушкун кайфият ифодасидир. Атроф-муҳитдаги ёки оиладаги ҳар бир ўзгариш бола феъл-атворида маълум бир таъсирни намоеън этиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, бу каби салбий одатлар болаларда тез юзага келиб, худди шу тарзда йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Аммо бу борада лоқайдликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Болажонларимизни парвариш қилишда уларнинг барча хатти-ҳаракатлари, қизиқишу хоҳишларини назардан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Моҳичехра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

БОЛА ИНЖИҚЛИКЛАРИ

қачон ва қай тартибда барҳам топади

борга олиб турли ўйин ҳамда машғулотларга жалб қилиши даркор. Афсуски, шундай ота-оналар ҳам борки, фарзандига фақатгина кайфияти яхши ва бўш вақти бўлгандагина эътибор қаратади. Тушкун кайфиятда эса ҳатто боланинг ортиқча гапини ҳам кўтара олмайди. Бу эса бола феъл-атворининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Айрим куюнчақ ота-оналар мудом «Оғзингдан кўлингни ол!», «Тирноғингни чайнама» каби танбёҳлар билан боланинг ёмон одатларини йўқотишга уринадилар. Таъкидлаш керакки, болани бундай номақбул қилиқлардан халос қилиш мақсадида уни қийин-верини ҳам доимо ижобий самара беравермайди. Аксинча,

чиқарибди. Аввалига улар болада шамоллаш аломатлари бор, дея ташвишланиб шифокорга олиб боришибди. Кейинчалик маълум бўлишича, боғчада тарбиячиси шамоллаб қолгани сабабли йўталиб қўярган, Мафтуна эса ўзи билмаган ҳолда йўтални такрорлаб, бунга одатланиб қолибди. Ножўя ҳаракатлар болада қанчалик тез намоеън бўлган бўлса, шунчалик тез йўқолади. Сабаби, уларнинг қизиқиши тезда бошқа қизиқарли буюм ва ҳаракатларни кўргач, ўзгариб кетади.

Олти ёшгача бўлган болаларда бармоқ сўриш одати кўп кузатилади. Аслида гўдак болаларда сўриш физиологик ҳолат бўлиб, аста-секин йўқолади. Аммо баъзи катгароқ

қадар ёнида бўлишидир. Она бола билан гаплашиб, уни тинчлантириши, айниқса, уйқуга кетгунига қадар қўлини ушлаб туриши керак.

Икки-уч ёшли гўдакларнинг тинч уйқуга кетишида қўл келувчи восита — юмшоқ ўйинчоқлардир. Албатта, айрим кишилар бундай муносабат болани ортиқча эркалатиш деб ўйлайди. Кўп фарзандли оилаларда эса ҳар бир болага вақт ажратиш бирмунча мушкул. Шундай бўлса-да, салбий одатлари бўлган болага бироз вақт эътибор қаратиш муҳим.

Агар боланинг улғайган сари бармоқ сўриш одати йўқолмаса, ота-она унинг ўзига ишончини уйғотувчи усулларни қўллаши лозим экан. Хусусан, унга ишонч билдириб,

АСРОР — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Бугун юртимизнинг чекка, айна пайтда сўлим қишлоқларида жойлашган илм масканларида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун ҳам қулай шарт-шароитлар етарли экани барчамизга аён. Арнасой туманидаги 20-умумтаълим мактабининг ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўзига хос муваффақиятларга эришадиган ўқувчиларидан бири Асрор Мусурмоновдир.

Фудокан каратэ-до спорт тури билан шуғулланувчи Асрор ўзининг тимисиз изланишлари ва мураббийси Уткир Қулматов бераётган пухта сабоқлари туфайли туман, вилоят ва республика чемпионатларида иштирок этиб, голибликни қўлга киритди. Энг муҳими, ҳали мактаб ўқувчиси бўлган ёш спортчи икки марта Осие чемпионида голиблар сафидан ўрин эгаллади. Ёш чемпионнинг ўзи эса бу борада шундай дейди:

— Жорий йилнинг май ойида Ашхобод шаҳрида ўтказилган Осие чемпионатида каратэ-до бўйича «Кумите» баҳсида 3-ўринни эгаллаб, бронза медални қўлга киритдим.

Турнирда Асрор учун яна бир ҳолат эса қоларли бўлди. Аниқроғи, мусобақалар дастури доирасида фудокан каратэ-до жанг услуби яратувчиси, кумите бўйича Европа чемпиони, жанг санъатлари бўйича кўплаб асарлар муалли-



Iqtidorli sportchi

фи югославиялик Илья Йорга томонидан семинар ўтказилди. Натижада, чемпион ўқувчи спортнинг ушбу тури бўйича ўз кўникмалари доирасини кенгайтиришга, билганларини мустақамлашга муваффақ бўлди. Қолаверса, тренингда ерда олган таасуротларини синфдош-

лари билан ҳам ўртоқлашди.

Айтиш керакки, Асрор Мусурмонов спорт сабоқлари билан бир қаторда фанларни ҳам яхши ўзлаштироқда. Аълочи ўқувчи, моҳир спортчи йирик мусобақаларда иштирок этар экан, астойдил саъй-ҳаракатлари ва интилишлари бир кун ўзининг маҳсулини кўрсатишига умид қилади. Унинг устозлари эса ҳозирнинг ўзидаёқ Асрорнинг бугунги ҳаракати уни жаҳон спорт майдонларидаги голиблик шохсупаларига олиб чиқишига қаттиқ ишонади.

Номоз ҚАРШИЕВ
Жиззах вилояти

САВАТЧАГА ТЎП ТАШЛАНДИ

Баскетбол одамнинг барча тана аъзолари ва мияни ҳаракатга келтирувчи спорт ўйинларидан биридир. Унда фақатгина тўпни чаққонлик билан олиб югуриш ва жамоадошини қулай вазиятга чиқариш эмас, балки саватчани аниқ нишонга олиш ҳам кишидан анча-мунча маҳорат талаб этади.

Кунни кеча пойтахтимиздаги «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида умумтаълим мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари ҳамда баскетбол ўйинига иштиёқманд бўлган ҳаваскорлар ўртасида баскетбол тўпини саватга ташлаш бўйича мусобақа ташкиллаштирилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун ўтган баҳсларга Тошкент шаҳар очик турнири деб ном берилди. Унда баскетболнинг бор-йўғи бир ҳаракатигина амалга оширилган бўлса-да, шунинг ўзи ҳам кўпчи-

ликнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

— Турнирни ўтказишдан асосий мақсад, — деди мусобақа ташкилотчиларидан бири Ҳ.Насруллаев, — юртимизда баскетболга ўқувчи-ёшларни, қолаверса, уларнинг ота-оналарини кенг жалб этишдан иборатдир. Спортнинг мана шу содда ва осон ҳаракати орқали ҳам оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мумкинлигини исботлашга уриндик. Чиндан ҳам спорт катта кучга эга.

Тадбир баҳона аҳолига юртимизда болалар спортини ривож-

лантириш борасида жойларда амалга оширилаётган ижобий саъй-ҳаракатларни иштирокчиларга таништириш ҳам самарали йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси БСРЖ, унинг Тошкент шаҳар филиали, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши, Чилонзор туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилган турнирда Хумора Икромова, Диана Исманова, Севда Агаева ҳамда Сардор Шодиев голиб деб топилди.

Бундай очик турнирларни келгусида йилнинг ҳар чорагида республикамиз бўйлаб ташкил этиш ва голибларни рағбатлантириш боришга келишиб олинди.

З.ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТУРАР ЖОЙ ҲАМ ТАЙЁР

Урганч олимпия захиралари коллежи ўқувчи-ёшлари ихтиёрига замонавий қулайликларга эга бўлган, янгидан қад ростлаган ўқувчилар турар жойи топширилди.

— Мазкур муҳташам турар жой фоят қисқа мудда — 6-7 ойда қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди коллеж раҳбари Ғофуржон Жуманиёзов. — Салкам 100 млн. сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Янги иншоот иқтидорли ёшларимиз учун байрам совға-

си бўлди. Энди улар бемалол машғулотлар бажаришади, бежирим хоналарда ҳордиқ чиқариб, дам олишади. Икки қаватли бинонинг хоналари шинам ва ёруғ. Кароватлар ихчам, қулай.

Янги ўқув йили бошланиши арафасида ўқувчилар турар жойининг фойдаланишга топширилиши тантанасида Хоразм вилоят ҳокими Оллаберган Оллаберганов иштирок этиб, янги ўқув йили билан устоз-мураббийлар ҳамда бўлажак спортчиларни чин дил-

дан қўлаб, бир қатор спорт мусобақаларининг голиблари ва иштирокчиларига компьютер тўплами, қимматбаҳо совғалар тўхфа этди.

— Дзюдо бўйича 2009 йили Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида олтин медал соҳиб бўлдим, — дейди уч карра жаҳон чемпиони Гулноза Матниёзова. — Шу йили 14—26 август кунлари Сингапурда ўтказилган биринчи ёшлар Олимпия ўйинларида эса 4-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим.

Иқтидорли қизга вилоят ҳокимининг совғаси — компьютер тўплами ҳадя этилди. Шунингдек, коллежнинг бир гуруҳ мураббийлари, спорт мусобақаларида голибликни қўлга киритган ўғил-қизлари, қурилишда жонбозлик кўрсатган «Саётқурилиш» корхонаси ишчилари ҳам эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА

Хоразм вилояти

Пекин шаҳрида спортнинг яккакураш турлари бўйича 1-Бутунжаҳон жанговар санъатлари ўйинлари бўлиб ўтди. Унда сайёрамизнинг 60дан ортик давлатидан 1000 нафардан зиёд спортчи 13та яккакураш тури бўйича беллашди.

1-Бутунжаҳон жанговар санъатлари ўйинлари дастуридан жой олган самбо баҳсларида 90 кг. вазн тоифасидаги беллашувларда таниқли спортчимиз Ақобир Курбонов барча рақибларининг курагини ерга теккизди. Ақобир финалда грек полвони Мойсис Илиадисни 13:0 ҳисобидан енгди. 68 килограммгача бўлган вазн-

ХУШХАБАРЛАР

да Дамир Муҳидов ҳал қилувчи баҳсда қозоқ полвони Арман Сарсенбиевни енгди ва умумжамоамизга иккинчи олтинни ҳадя қилди.

Фирдавс Холмуродовга эса финалда бироз омад етишмади ва у кумуш медал билан кифояланди.

Хорватиянинг Сплит шаҳрида енгил атлетика бўйича Қитъалар кубоги мусобақаси ниҳоясига етди. Мазкур халқаро турнирда Осие, Европа,

Америка ҳамда Африка қитъаларидан етакчи спортчилар катнашди.

Осие терма жамоасига юртдошларимиздан ҳам икки нафар спортчининг киритилиши улкан фахрдир. Аёллар ўртасида узунликка сакраш бўйича кечган баҳсларда ҳамюртимиз Юлия Тарасова 6 метру 70 сантиметрни забт этди ва олтин медал соҳибасига айланди.

Иккинчи вакиламиз Надежда Дусанова эса баландиқка сакраш борасида ўз маҳоратини намойиш этди ва 1 метр 88 сантиметрлик кўрсаткич билан бронза медални қўлга киритди.



РЕВАНШ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ

Нью-Йоркда теннис бўйича АҚШ очик чемпионати қизгин паллага кирди. Машҳур ракеткачи швейцариялик Роже Федерер яна бир бор рақибдан устун эканини намойиш этди.

«US Open» турнирининг тўртинчи босқичида Федерер австриялик Юрген Мельцерни 6:3, 7:6 (4), 6:3 ҳисоблари билан мағлубиятга учратди. Швейцариялик теннисчининг навбатдаги рақиб мусобақа рейтингда иккинчи ракеткачи сифатида кўрсатилган швейцариялик Робин Содерлингдир.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Р.Содерлинг АТР эълон қилган дунё бўйича энг яхши теннисчилар рейтингда бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Эслатиб ўтамиз, Робин шу йили ўтказилган «Ролан Гаррос» турнирининг чорак финалида Федерер устидан зафар кучган.



ШИРОВ — ЯҚҚОЛ ЕТАКЧИ

Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтказилаётган нуфузли «Шахмат тожи» туркумидаги турнирда испаниялик гроссмейстер Алексей Широ россиялик машҳур шахматчи Владимир Крамникни енгди. Шундан сўнг у яққол етакчига айланиб олди.

А.Широв душанба кунни ўтказилган матчда оқ доналарда ўйнади



ҳамда 38-юришда навбатдаги ғалабани қўлга киритди ва ўз ҳисобида 8 очкони эзиб қўйди. 2-ўринни арманистонлик Левон Аронян банд этиб турибди. У тўртинчи турнинг хитойлик Ван Хаога қарши кечган баҳсида 50-юришдан сўнг мурока кўчасини танлашга мажбур бўлди.

Турнирнинг икки нафар голиби октябрь ойида Бильбаода (Испания) ўтказиладиган «Шахмат тожи»нинг финал босқичида ҳиндистонлик жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ва шахмат бўйича жаҳон рейтингни етакчиларидан бири саналмиш Магнус Карлсен билан учрашади.

МЕЗБОНЛАРНИ КИМ ТЎХТАТАДИ?

Маълумки, Туркияда ташкиллаштирилган баскетбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати кучлиларни сараламоқда. Унда мезбонлар жамоаси кутилмаганда юкори савиядаги ўйинни намойиш этмоқда.

Хусусан, улар нимчорак финалда Европа грандларидан бири Франция жамоасини 95:77 ҳисобида доғда қолдирди. Туркия терма жамоаси Анкарада ўтказилган гуруҳ баҳсида бешта ўйин ўтказиб, барчасида ғалабага эришди.

Туркияликлар чорак финалда австралияликларни 87:58 ҳисобида тор-мор келтирган Словения терма жамоасига қарши бугун майдонга тушади.



МАРАДОНА «НАПОЛИ»ГА ҚАЙТМОҚЧИ


Ўтган асрнинг энг машҳур футболчиларидан бири аргентиналик Диего Армандо Марадона жорий йилнинг 30 октябрида Неапол шаҳрида ўзининг 50 ёшли юбилейини ўтказишни режалаштироқда, деб хабар берди «АФП».



Марадона шу кунни футболчилик фаолиятининг 7 йилида (1984—1991) Италиянинг «Наполи» клубида ўзи билан бирга тўп сурган собиқ жамоадошлари — қадрдон дўстларини йиғиб, ўртоқлик учрашуви ўтказишни мўлжалламоқда. Унда бир вақтлар машҳур ушлик — «Ма-Жи-Ка» (Марадона-Жордано-Карекани ташкил этган италиялик Жордано ҳамда бразилиялик Карекани иштирок этишга ваъда беришган.

«Мен бугун ҳамма нарсага — қадрдон оиламга, аҳил жамоамга эгаман. Биргина мақсадим — мен учун азиз шаҳар Неаполга қайтишдир», деди афсонавий футбол юлдузи. Бироқ Марадонанинг фикрига «Наполи» клуби раҳбарияти ҳали ўз муносабатини билдиришга шояшмайпти.

Ш.ЖҲРАЕВА тайёрлади.



(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Жорий йили Меҳрибонлик уйининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мукамал ва жорий таъмирлаш учун туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан 117 млн. сўм маблағ сарфланди. Аввало, муассаса биносининг иситиш тармоғи тубдан таъмирланди, янги эшик ва ромлар ўрнатилди. Шунингдек, ётоқхона биносининг учинчи қавати — болалар ётоқхонаси, ювиниш хонаси ҳамда дам олиш хоналари мукамал таъмирланиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланиб, болажонлар ихтиёрига топширилди.

Шунингдек, ҳомийлар кўмағида компьютер хонаси таъмирланиб, бу ерга кўшимча равишда яна 12 та янги компьютер жамланмаси ўрнатилди. Эндиликда болалар компьютер сабоқлари олиш билан бир қаторда интернет тармоғидан ҳам кенг фойдалана олади. Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей ўқитувчилари болаларга компьютер сир-асрорларидан сабоқ беришади.

Меҳрибонлик уйига кириб борар экансиз, болаларнинг шўх-шодон кулгуси, турли миллатга мансуб ўғил-қизларнинг "Ассалому

алайкум", дея сизга йўл бошлашини кўриб, сал аввалроқ хаёлингиздан кечган маҳзун ўйлар бир зумда тарқаб кетади. Бу масканда 31 йилдан буён фаолият юритаётган фидойи инсон — директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Мухаррам Файзиева бизга ҳамроҳлик қилар экан, болажонлар унинг ёнига келиб, ўз ютуғу қувончлари билан ўртоқлашарди. Уларнинг гап-сўзларидан интилувчанлиги, билимга чанқоқ, зукко эканлиги яққол сезилиб турарди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари 10-16 ёшли болалар бўлиб, улар 80- умумтаълим мактабида таҳсил олишади. 14 нафар тарбиячи, оммавий ишлар ташкилотчиси, 4 нафар тарбиячи ёрдамчилари эса болаларнинг дарслардан бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишади. Таъкидлаш керакки, бу ерда тарбиячилар елкасига янада катта масъулият юклатилади. Болалар билан ишлашда уларга руҳшунос, логoped ҳамда ижтимоий соҳа бўйича мутахассисларининг кўмағи эътиборга моликдир.

Тарбиявий ишлар самардорлигини янада ошириш мақсадида муассасада турли-туман тўғарақлар

ташкил этилган. Хусусан, "Гулибону" қизлар рақс дастаси, доира ва дутор, тасвирий санъат, хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган тўғарақлар доимо болалар билан гавжум. Айниқса, "Моҳир қўллар" тўғарағида устозидан тикиш-бичиш, зардўзлик, бисер тикиш каби ҳунарларни ўрганаётган қизлар кўпчиликини ташкил этади. Шунингдек, ушбу масканда спортнинг самбо, Шарқ якка кураши, бокс, стол тенниси, шахмат-шашка турлари

тутилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Тошкент шаҳрида аёллар ўртасида самбо бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этган Анна Исаева эса 17 мамлакатдан келган курашчилар ўртасида фахрли учинчи ўринга сазовор бўлиб, бронза медалини қўлга киритди.

— Болаларнинг ҳар бири ўзгача олам, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Малик Рўзиқулов. — Уларнинг ҳунар ўрганиши, спорт



республика болалар жамоатчилиқ жамғармасининг ўқув маркази қошидаги "Media markaz" мунозаралар клубида Меҳрибонлик уйи болаларидан 36 нафари хореография, рассомлик, компьютер саводхонлиги, журналистика ҳамда инглиз тили, кимё, математика тўғарақларида қатнашади. Айтиш жоизки, ушбу маскан битирувчиларининг кўпчилиги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, шу жумладан, 28 нафари олий ўқув юртлирида таҳсил олмақда.

— Мен бу ерда ўзимни ёлғиз ҳис этмайман, — дейди 11 яшар тарбияланувчи Нозима Аҳмедова. — Чунки устозларим менинг отаонам. Расм чизишга қизиқаман. Бу ерда билимларни пухта ўрганишман. Келажакда улар каби устоз бўлишни истайман.

Кўнгли ўксик болаларни тарбиялаш юксак меҳр, фидокорликни талаб этади. 21-Меҳрибонлик уйи раҳбару тарбиячилари, ходимлари айнан шундай бағрикенг инсонлардир. Уларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ ўтган йили муассаса "Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи" республика кўрик-танловида ғолиб деб топилди.

Моҳичехра ЛАТИПОВА,
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

МЕҲРДАН УЛФАЯЁТГАН БОЛАЛАР



билан шўғулланишига алоҳида эътибор бериш муҳим. 2006 йили ҳарбий спорт синфи ҳамда ҳарбий оркестрни ташкил этган эдик. Натижада ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши яхшиланиб, кейинги уч йил мобайнида болалар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмади. Шу билан бирга, эндиликда туман ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳисобида ҳеч бир ўқувчи рўйхатга олинмаган. Қувонарлиси, оркестр иштирокчиларидан Д.Понамарев ва Т.Пўлатов Хива шаҳрида ўтказилган эстрада ижрочилари республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритди.

"Sen yolg'iz emassan"

билан шўғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Эркин кураш бўйича икки карра олимпиада чемпиони Артур Таймазовнинг ташаббуси билан "Артур Таймазов мактаби" фаолият кўрсатаётгани ҳам қувонарли. Меҳрибонлик уйидаги тренажёр зали, кураш зали ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу ишларнинг самараси ўлароқ, муассаса тарбияланувчилари шаҳар ва республика миқёсида ўтказилаётган турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келяпти. Жумладан, мини футбол бўйича "Uzbegim Olympics" олий лига жамоаси таркибида тўп сурган Людмила Карачик республика терма жамоаси таркибига қабул қилинди ва у сентябрь ойида Малайзияда ўтказилиши кўзда



Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-822.
Tiraji 27881.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Behzod FAZLIDDINOV.

"Ma'rifat"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
Yza yakuni — 22.00